



MILLIY TIKLANISH

42 (311) ● 2014 йил 29 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Солиқ сиёсатида иқтисодийтеги модернизация қилишни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида кўзда тутилган чора-тадбирлар партиямиз дастурий мақсадларига уйғун бўлиб, ички бозорларни химоя қилиш каби вазифаларга мос тушади



Бугунги тезкор давр ўқувчиларимизнинг нафақат кенг билим, профессионал кўникмаларни эгаллаш, айна пайтда, хориздаги тенгдошлари билан фаол мулоқотга киришиш, жаҳон тамаддунидаги улкан интеллектуал бойликни англаш ва ўзлаштиришни талаб қилмоқда



Бадий хаваскорлик жамоалари худуднинг тарихи, маданияти, қадимий урф-одатлари, маросим ва қадриятлари, кишиларнинг кундалик турмуш тарзи, қувончи ва таъшиллари, орзу-ўйларини намоён этувчи кўзгудир



4 ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

6 ЖАРАЁН

8 КЎЗГУ

Сайлов участкалари сайловдан камида олти кун олдин тузилади. Ҳарбий қисмларда, олис ва бориш қийин бўлган ерларда ҳам сайлов участкалари ана шу муддатда, айрим ҳолларда эса — истисно тариқасида сайловга камида беш кун қолганида тузилади.

Сайлов участкалари, қоида тариқасида, камида йигирма нафар ва кўпи билан уч минг нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддасидан

ЎзМТДП ҳаёти



Муҳим сиёсий жараёндаги муваффақият

сайловчилар ишончига боғлиқ

Мамлакатимизда демократик ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши ва фуқаролик жамиятининг ривожланиб бориши, сайлов жараёнини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантирди. Шунингдек, истиқлол йилларида мамлакатимизда сиёсий партияларнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга ошириши учун мустақкам ҳуқуқий база яратилди.



Ўтган йиллар давомида сиёсий тажриба орттириш, сиёсий етуқлик ва молиявий мустақилликка эришиш ҳамда жамиятда ўз ўрнини топиш, энг асосийси, ўзининг барқарор электоратини шакллантириш борасида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси муайян даражада фаолият олиб борди, дейиш мумкин. Бу жараёнда “Жамоат биришмалари тўғрисида”, “Сиёсий партиялар тўғрисида”, “Нодавлат ноижорат ташкилотлар тўғрисида”, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини қучайтириш тўғрисида”ги қонунлар нафақат сиёсий тизимнинг, балки ижтимоий-иқтисодий йўналишлардаги ислохотларнинг ҳам изчиллик билан давом этишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

2-бет

Муносабат

Дехқон меҳнати

юксак кадр топган юрт

Халқимиз азал-азалдан пахта етиштиришининг сирларини яхши билган, фидойи, меҳнаткаш халқ ҳисобланади. Мазкур соҳада дунёдаги кўпчилик олимлар томонидан бугун таъкидланаётган усуллар аж-додларимиз томонидан кўп йиллар давомида қўлланиб келинган. Биргина гўзани “шарбат” усулида сўғориб, ерларнинг маҳаллий ўғитга тўйинтирилиши ҳосилнинг мўл-кўллиги, сифатини оширган. Жорий йилда ҳам ана шундай бой тажриба ва замонавий агротехникадан самарали фойдаланилгани, олим ва мутахассисларнинг тавсия ва маслаҳатлари туфайли юртимизда 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд улкан пахта хирмони бунёд этилди. Президентимизнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўлаган табриги юртимиз пахтакорларининг ҳалол ва фидойи меҳнатига берилган юксак баҳо бўлди.

Юртбошимиз табригида ай-тилганидек, охириги йилларда мамлакатимизда янги гўза навларини яратиш, селекционер олимларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли 100 дан ортук янги навлар яратилгани, уларнинг 27 таси давлат реестрига киритилиб, амалда жорий этилаётгани ушбу тармоқнинг изчил ривожланиб бораётганини кўрсатади. Яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ўнинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида иштирок этган, дунё бозоридан ном қозонган 1000 дан зиёд йирик фирма ва компаниялар вакиллари ҳам ўзбек пахта толасига катта қизиқиш билдириб, соҳадаги ютуқларни эътироф этишди.

Улкан пахта хирмонининг бунёд этилгани, энг аввало, халқимиз турмушининг янада фаровон бўлиши кафолати эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки пахта — бизнинг миллий бойлигимиздир. Ана шу дурдонани етиштириб, йиғиб олишда жонбозлик кўрсатган Андижон вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Хоразм, Бухоро вилоятлари, шунингдек, табрикда тилга олинган туман ва илғор фермер хўжаликлари, Ватанимизнинг улкан хирмонини бунёд этган барча инсонлар эл-юртимизнинг янада тўқинлиги ва фаровонлигига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

2-бет



Лайло ОРЗИЕВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, ЎзМТДП аъзоси:

— Назаримда, матбуотнинг биринчи вазифаси холислик бўлса, иккинчиси тўғри сўзликдир. Мен “Milliy tiklanish”ни танладим. Сиз-чи?

Электорат минбари

Партия билан мақсадларимиз муштарак

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ташкил этилгандан буён унинг олиб бораётган сиёсатини қизиқиш билан кузатиб бораман. Партия миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз, маданий меросимизни сраб-авайлаш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда.

Хусусан, шонли тарихимизни, ота-боболаримизнинг илмий меросини ёш авлод онгига сингдиришни асосий мақсад ва вазифаларидан бири деб билади. Мазкур саъй-ҳаракатлар ҳар дақиқа ўғил-қизларимиз шуурига буюк ажодларнинг давомчилари эканини ҳис этиб яшаш ва ҳеч кимдан кам бўлмаган навқирон авлоднинг бундан гурурланиш туйғусини шакллантириши шубҳасиз. Ёшлар онгига миллий гурур туйғусини жо этиш эса тарбиянинг энг муҳим омилларидан биридир. Жисмонан соғлом, маънан етуқ, мустақил фикрлайдиган ва интеллектуал салоҳиятли авлодни воёга етказиш-

да тарбиянинг ўрни беқиёс. Қасбим ўқитувчи бўлгани учун яхши тарбиянинг инсон ва миллат тақдирида нақадар муҳим роль ўйнашини англайман. Айниқса, глобаллашув шароитида бунинг аҳамияти ҳар қачонгидан кўра залворлироқ. Бундай шароитда миллий руҳда тарбия топган ўғил-қизларгина ўзлигини йўқотмай, замонавий анъаналарни миллий қадриятлар билан уйғунлашган ҳолда қабул қила олади. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ана шу гоёнинг ташаббускори ва тарғиботчиси сифатида менинг қарашларимни қўллаб-қувватлайди. Шунинг учун ҳам мен

мазкур партия сафига киришга қарор қилдим. Яқинда партиянинг Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ташкилоти орқали ЎзМТДП аъзоси бўлдим. Партияга қабул қилинган ёшлар тарбияси бўйича ўз фикрларимни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилишга имкон яратмоқда. Ёшларни миллий анъаналар руҳида тарбиялашдек умуммиллий вазифага ЎзМТДП билан маслақдош эканлигимдан бениҳоя хурсандман. Зотан, Президентимиз раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш учун яратиб берилаётган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ҳеч кимдан кам бўлмаган навқирон авлод тарбияси биз каби педагогларнинг биринчи галдаги вазифамиздир.

Бахтиёр ХУСАНОВ, ЎзМТДП аъзоси

Фракция ҳаёти

2015 йилги давлат бюджетни лойиҳаси

кўриб чиқилди

4-бет

«Milliy tiklanish» газетасини
www.milliytiklanish.uz
 сайтида ҳам ўқинг!

“Milliy tiklanish” газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



юксак қадр топган юрт

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Шу ўринда Президентимизнинг "Нафақат қишлоқ ҳўжалиги, балки иқтисодий тармоқларнинг барча соҳа ва тармоқларида эришаётган марраларимиз, авваломбор, халқимизга хос меҳнатсеварлик, мардлик ва матонат каби фазилатларда, ҳаёт ўзгариши билан одамларимизнинг онгу тафаккури тобора ўзгариб, уларнинг ўз ерига эгаллик, масъулият ва дахлдорлик туйғуси, ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссиёти ортиб бораётганида намоён бўлмоқда ва халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда", деган сўзлари бугун меҳнатқашларимиз ерни боксанг, ер сени боқадди, деган пурҳикмат иборанинг мазмунини теран ҳис этаётганини ифода этмоқда, ўз меҳнати самарасини кўриш учун янада фидойиллик кўрсатишга ундамоқда. Дарҳақиқат, давлат раҳбарининг дехқон меҳнатини юксак эътироф этиши таҳсинга лойиқ. Бундай юксак эътибор барча пахтакор ва меҳнатқашларни янги зафарлар, янада юқори марралар сари руҳлантиради.

Миллий бойликларимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, иқтисодий эркинлик ва халқ фаровонлигига эришишни ўзининг дастурий мақсадларидан бири сифатида белгиланган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вакиллари мамлакатимизнинг бу ютуғидан фойдаланиб, соҳадаги изчил ислохотларни қўллаб-қувватлайди.

Лобар ҚОСИМОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Президентимизнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнатқашларига йўлаган табриғида бизнинг туманимиз ҳам илғорлар қаторида қайд этилган кўнглимизни тоғдек кўтариб юборди. Бундай юксак эътироф меҳнатидан манфаат кўраётган дехқонларимизни янада кўпроқ излашига, меҳнат қилишига руҳлантирмоқда.

Айниқса, табриқдаги "Пахта ўстиришининг ўзи ҳар қайси дехқон, фермер ва мутахассисдан нақадар мурраккаб ва оғир меҳнатни, чуқур билан ва тажрибани, она еримизга меҳрини бериб, тупроқ билан тиллашиб яшашни, лўнда қилиб айтадиган бўлсақ, кундалик фидойилликни талаб қилишини бутун элимиз, халқимиз яхши билди", деган сўзлар биз фермерларни келгусида янада астойдил меҳнат қилишимизни, фақат маҳсулот етиштириш ёки экинни парвариш билан чекланиб қолмаслигимиз, соҳага янги технология ва илмий ютуқларини амалий татбиқ этишимизни талаб этади.

Қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, соҳага фан ва техниканинг илғор ютуқлари жорий этилиши, эртапишар, серҳосил ва саноатбон янги ғўза навларини яратиш ютуқларимиз омили бўлмоқда, десам хато бўлмайди. Бугунги кунда мамлакатимизда етиштирилаётган жами пахта толасининг 44 фоизи ўзимизда қайта ишланаётгани чет мамлакатларга сотилаётган пахта толасига яна қўшимча қиймат қўшишга имконият бермоқда.

Жорий йилда 55 гектар майдонда пахтанинг серҳосил бўлган "Бухоро-6" навини парваришлаб, 222 тонна хирмон уйдик. Гектаридан 40-41 центнерга етказиб ҳосил олишга эришдик. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, йил якунида биргина пахтачиликдан 100 миллион сўм соф фойда олишни кўзлаб туришимиз.

Юртбошимиз томонидан тақдим этилган Концепция сиёсий партиялар, шу жумладан, маҳаллий Кенгашлар депутатлари зиммасига ҳам қатор вазифалар юқлади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастури ва сайловолди Платформасида таъкидлаб ўтилганидек, одамларда ерни асраб-авайлаш кўниқмасини шакллантиришга, қишлоқ ҳўжалиги субсекторларида хизматлар кўрсатиш тизимини янада ривожлантиришга, қишлоқ ва шаҳарнинг ижтимоий-маиший шарт-шароитларини яқинлаштиришга қўмақлашиб бораёямиз.

Бугун қайси бир фермер билан суҳбатлашманг, пахтадан баракали хирмон уйиб, кўтилганидек даромад олганлигини қувонч билан айтади. Бунинг замирида мамлакатимиз иқтисодий, аҳоли турмуш фаровонлиги, қишлоқ ва шаҳарларимиз ободлиги ётибди. Бундай улкан ишларни амалга оширишда биз ҳам баҳоли қудрат иштирок этаётганимиздан гурурланамиз.

Кўчкор ҚАРИМОВ, "Кўчкор Қаримов" фермер ҳўжалиги раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

Депутат минбари

Муносиб номзодлар

партия нуфузини белгилайди

Озод ва обод юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, юксалиш жараёнлари, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизнинг фан, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳалардаги салмоқли ютуқлари, халқимиз ҳаётининг фаровонлиги ҳар бир ўзбекистонликнинг қалбини гурурга тўлдирмоқда. Бундай эътирофга лойиқ ишлар мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида буй кўрсатаётир.

Бундай амалий саъй-ҳаракатларда сиёсий партияларнинг ҳам ҳиссаси борлиги, қолаверса, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли тобора ошиб бораётганлигини таъкидлаш жоиз. Айниқса, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида" - ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни кучга киргач, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги нуфузи янада ортди. Ўз фаолиятини ана шу Қонун асосида ташкил этган сиёсий партиялар, уларнинг электорати, кўп сонли аъзолари юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги, аҳолининг сиёсий етулгини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келишапти. Энг муҳими, партиялар бугунги кунга келиб ҳам таркиб, ҳам сифат жиҳатдан ўзгарди.

Шу йил 21 декабрь кунин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказилаётган сайлов миллий сайлов тизими ва жамиятимизни изчиллик билан либераллаштириш ва демократлаштириш давомида яратилган янги

шароитда бўлиб ўтади. Сиёсий партиялар мазкур сайловда янада уюшқоқлик, фаоллик билан иштирок этишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйган. Зеро, давлат ҳокимияти вакиллик органларида кўпроқ ўринга эга бўлиш партияларнинг ўз электорати, хайрихоҳлари манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтиради. Шу боис, ҳар бир партия сайлов жараёнида қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги халқимизнинг бой миллий кадриятлари, тарихий давлатчиликнинг аънааналари, шунингдек, сайловга оид халқаро ҳуқуқ нормаларини, аҳолининг сиёсий етулгини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келишапти. Энг муҳими, партиялар бугунги кунга келиб ҳам таркиб, ҳам сифат жиҳатдан ўзгарди.

Шу йил 21 декабрь кунин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" сиёсий партиялар фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сайлов эркинлиги принципини тўла рўёбга чиқариш, сайловолди ташвиқотини ўтказиш давомида депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар учун тенг шароит яратиш, сайловлар очиклиги-ошқоралигини таъминлаш, вакиллик органларига муносиб номзодларнинг сайланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар ташкилотининг III конференциясида ана шу масалалар хусусида яна бир бор тўхталиб ўтилди. Конференцияда ЎзМТДП Тошкент шаҳар ташкилотининг 2010-2014 йиллардаги фаолияти ва партия шаҳар ташкилоти Назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботи муҳокама қилинди. Шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига бўлиб ўтадиган сайлов кампаниясида иштирок этиш, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг III Съездида делегатлар сайлаш тўғрисидаги масалалар юзасидан қарор қабул қилинди. Конференцияда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов иштирок этди.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сиёсий партиялар учун ўзига хос синов бўлган бу йилги сайловда вакиллик органларидан янада кўпроқ ўрин эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун партияимизда барча имкониятлар етарли. Хусусан, депутатликка номзод кўрсатишда унинг партияимиз дастурий мақсад-вазифаларини қай даражада билиши, сайловчиларнинг ҳурматини қозона олиши, савияси, бошқа партиялардан қўйилган номзодлар билан рақобатга қира олиши каби жиҳатлар инноватга олиномоқда. Бундан ташқари, электоратимиз ва хайрихоҳларимиз манфаатларини ҳимоя қилиш, партияимизнинг бош таянчи бўлган бошланғич партия ташкилотлари сонини ошириш ҳам сайловдаги муваффақиятимизнинг муҳим шартларидан биридир. Чунки партияимиз гоъларининг кенг қўламли бўлишида бошланғич бўлинларимиз фаолияти катта аҳамият касб этади. Шунингдек, лойиҳаси деярли тайёр бўлиб қолган янги сайловолди Платформаси ўтган галгисига сиёсат тақомиллаштирилди. Қайси соҳада бўлмасин, асосий эътибор мамлакатимиз миллий манфаатлари, қадрият ва урф-одатларини асраб-авайлаш, уни ёш авлод онгига сингдиришга қаратилди, - деди партия раҳбари ўз маърузасида.

Дарҳақиқат, бугун дунё миқёсида глобаллашув жараёнлари авж олаётган бир пайтда мамлакатимизда миллий манфаат ва маънавиятни асраш учун кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Миллий истиқлол гоъсини ёшлар онгига сингдириш мақсадида маънавиятли авлодни тарбиялашдир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, маънавияти юксак бўлган халқни ҳеч ким енга олмайди. Қувонарлиси, ана шундай муҳим вазифани амалга оширишда партияимиз бор куч ва имкониятларини сафарбар этишга интиломоқда. Бу борада партияимиз Тошкент шаҳар ташкилоти амалга ошираётган ишлар ҳам эътирофга сазовор. Партияимиз дастурий мақсад ва вазифаларини кенг омма ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш, аъзолар ва хайрихоҳлар сафини кенгайтириш мақсадида ЎзМТДПнинг Тошкент шаҳар ташкилоти 2010-2013 йиллар давомида икки мингдан ортиқ, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида эса 611 та тadbир ташкил этди. Уларда қарийб 250 минг нафар иштирокчи қатнашди.

Сўнгги йилларда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳининг фаолияти нисбатан кучайди. Натижада партия гуруҳи аъзолари томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиялари ва доимий комиссиялари кун тартибига олиб чиқилаётган ЎзМТДП электорати манфаатлари билан боғлиқ масалалар қамрови кенгайди. Ҳисобот даврида ЎзМТДПдан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига

халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўз электорати ёки мана шу партияга хайрихоҳ бўлган, халқимиз ўртасида катта ҳурмат-эътибор қозонган, ташкилотчи, Президентимиз таъбири билан айтганда, Ватан равнақига ҳисса қўшишдек эзгу мақсадни қалбига жо этган, сиёсий жиҳатдан етуқ, фидойи, "элим деб, юртим деб ёниб қалайдиган" ҳамюртларимизни депутатликка номзод этиб кўрсатишдир. Айни пайтда ҳар бир партия бу борада қизгин иш олиб бормоқда.

Шу ўринда айтиш жоиз, сайловчиларнинг сайлов жараёнида онгли равишда, фаол иштироки таъмин қилишга аҳамият касб этади. Зеро, муносиб номзодларнинг депутатликка сайланиши Ватанимиз равнақи, барча соҳаларда қўлаб қиритаётган ютуқларимизнинг салмоғи янада ошишига хизмат қилади. Қолаверса, ҳар бир сайловчиларнинг фуқаролик позициясини тўла намоён этишга интилиши янада кучайди.

Сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ёки бу жараёнга тайёргарлик ишлари сайлов кунидан 3-4 ой олдин бошланади. Бунда сиёсий партиялар раҳбарлари томонидан халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига, сайлов комиссияларига номзодлар рўйхати илова қилинган расмий ҳатлар тақдим этилади. Номзодлар рўйхати матбуотда эълон қилинганга қадар сиёсий партия ташкилотлари томонидан янада муносиброқ номзодлар ҳисобига ўзгариб бориши ҳам мумкин.

ЎзМТДП ҳаёти

Муҳим сиёсий жараёндаги муваффақият

сайловчилар ишончига боғлиқ



ган бир пайтда мамлакатимизда миллий манфаат ва маънавиятни асраш учун кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Миллий истиқлол гоъсини ёшлар онгига сингдириш мақсадида маънавиятли авлодни тарбиялашдир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, маънавияти юксак бўлган халқни ҳеч ким енга олмайди. Қувонарлиси, ана шундай муҳим вазифани амалга оширишда партияимиз бор куч ва имкониятларини сафарбар этишга интиломоқда. Бу борада партияимиз Тошкент шаҳар ташкилоти амалга ошираётган ишлар ҳам эътирофга сазовор. Партияимиз дастурий мақсад ва вазифаларини кенг омма ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш, аъзолар ва хайрихоҳлар сафини кенгайтириш мақсадида ЎзМТДПнинг Тошкент шаҳар ташкилоти 2010-2013 йиллар давомида икки мингдан ортиқ, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида эса 611 та тadbир ташкил этди. Уларда қарийб 250 минг нафар иштирокчи қатнашди.

Сўнгги йилларда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳининг фаолияти нисбатан кучайди. Натижада партия гуруҳи аъзолари томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиялари ва доимий комиссиялари кун тартибига олиб чиқилаётган ЎзМТДП электорати манфаатлари билан боғлиқ масалалар қамрови кенгайди. Ҳисобот даврида ЎзМТДПдан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига

сайланган 10 нафар депутат томонидан 50 дан ортиқ масала ўрганildi. Давлат ва бошқа мутасадди ташкилотларга 200 га яқин депутатлик сўрови юборилди. Ўтган беш йил давомида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг сонини ошириш юзасидан ҳам самарали ишлар амалга оширилди.

— Партия салоҳиятини белгилашда унинг аъзолари сонини ҳам муҳим ўрин туттишини барчамиз яхши биламиз, - деди

Ноҳира УМАРОВА, бошланғич партия ташкилоти етакчиси:

— Барчамизга маълумки, бошланғич партия ташкилотлари партияимиз фаолиятида энг муҳим ва хал қилувчи бугун ҳисобланади. Партия фаолиятини янада кучайтириш, электорат манфаатларини таъсирчан ҳимоя қилиш, жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда фаол иштирок этиш юзасидан ҳаётий тақлиф ва тавсиялар, энг аввало, бошланғич партия ташкилотлари томонидан илгари сурилади. Шунинг учун ҳам мазкур тизим фаолиятини янада жонлантириш партия ташкилотлари олдида турган энг долзарб вазифалардан бири саналади. Фаолиятимиз танқидий-таҳлил этилган конференциядан ўзимиз учун тегишли хулосалар чиқардик.

Ҳилола ОТАХОНОВА, конференция делегати:

— Миллий кадриятларимиз, асрлар оша яшаб келаётган аъналаримизни асраб-авайлаш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир. Чунки ана шу кадриятларда сиз-у бизнинг кенгаи кунимиз, тарихимиз ва порлоқ келажагимиз муҳассам. Ота-боболаримизнинг боқий мероси ва кадриятларини асраб-авайлашдек умуммиллий вазифани ўзининг бош мақсади деб билган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг янги сайловолди Платформасида ҳам ана шундай тушунчалар янада кенгрок ўрин олишига ишонамиз. Партияимиз ўз йўналишида олиб бораётган сиёсати ҳамда сайловолди Платформасининг халқчиллиги унинг тарафдорлари сонини янада оширади ва сайловдаги муваффақиятини таъминлайди.

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Рустам Қосимов. — 2009 йилда партияимиз аъзолари сонини 4309 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтда уларнинг сонини 11 минг нафардан ошди. Ўтган беш йил давомида партияга аъзолар жалб қилиш, хайрихоҳлар сафини кенгайтириш бўйича партия Яққасарой, Олмазор, Сергели, Шайхонтоҳур туман Кенгашлари фаолияти бирмунча самарали бўлди. Партия сафига қабул қилинаётган аъзоларнинг, энг аввало, Ватанимиз ва халқимиз манфаатларига содиқлиги, партия ишида фаол иштирок этиши, сиёсий билим ва тайёргарлиги етарли даражада бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, партия сафига қираётган ҳар бир фуқаронинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксак, дунёқарши кенг бўлиши лозим. Зеро, у энди оддий фуқаро эмас, балки сиёсий жараёнларнинг иштирокчисига айланади. Бу мезон тобора яқинлашаётган Парламент қўйи палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловда партияимизнинг муносиб иштирокини таъминлайди.

Конференция якунида муҳокама этилган барча масалалар юзасидан қарор қабул қилиниб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси съездида делегатлар сайланди.

Ҳасан САЛОМОВ, "Milliy tiklanish" муҳбири

Ҳамкорлик

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, халқаро муносabatларини ривожлантириш, жаҳондаги нуфузли ташкилотлар билан эзу ва муштарак мақсадлар йўлида ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашишда, сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ҳамда бошқа соҳаларда ҳамкорликни амалга оширишда икки ва кўп томонлама дипломатия механизмида самарали фойдаланишда. Бунда дунёдаги энг нуфузли тузилма бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) билан ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади. Пойтахтимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топган кунга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз юритилди.

Тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик

Таъкидланганидек, Ўзбекистон БМТ ва унинг қатор ихтисослашган тузилмалари ишида фаол иштирок этиб келмоқда. Тинчлик ва барқарорликка таъҳид солувчи хавф-хатарлар ҳамда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш, экологик муаммоларни барқарор этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларидандир. Жорий йилда ҳам икки томонлама ҳамкорлик алоқалари янада ривожланди. БМТнинг қатор тарихий тузилмалари билан ҳамкорликда мамлакатимизда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси, "Ўрта асрлар Шарқ алло-малари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" ҳамда "Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" ма-

зуларидаги халқаро конференциялар ўтказилди. — БМТ Ўзбекистонда амалда оширилаётган ислохотлар ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги изчил саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди. - деди БМТнинг курашиш, экологик муаммоларни барқарор этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларидандир. Жорий йилда ҳам икки томонлама ҳамкорлик алоқалари янада ривожланди. БМТнинг қатор тарихий тузилмалари билан ҳамкорликда мамлакатимизда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси, "Ўрта асрлар Шарқ алло-малари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" ҳамда "Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" ма-

зуларидаги халқаро конференциялар ўтказилди. — БМТ Ўзбекистонда амалда оширилаётган ислохотлар ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги изчил саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди. - деди БМТнинг курашиш, экологик муаммоларни барқарор этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларидандир. Жорий йилда ҳам икки томонлама ҳамкорлик алоқалари янада ривожланди. БМТнинг қатор тарихий тузилмалари билан ҳамкорликда мамлакатимизда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси, "Ўрта асрлар Шарқ алло-малари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" ҳамда "Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" ма-

Бехбуд БОТИРОВ, "Milliy tiklanish" муҳбири

унда куйи бўгинлар муҳим ўрин тутати

Ҳар бир сийсий партия тарафдорлари сафининг кенгайишини ҳамда сайловда муваффақиятли иштирок этиб, ўз вакилларининг парламент ва давлат ҳокимияти вакиллари оралида қўпроқ ўрин эгаллашни хоҳлайди ҳамда шу мақсад сари интилади.

Сийсий партия гоя ва мақсадларининг аҳоли орасига чуқур кириб бориши, унинг жамиятдаги нуфузи ва тарафдорлари сонининг ошиши эса кўп жиҳатдан бошлангич партия ташкилотларининг фаоллиги ва ташаббускорлигига боғлиқ. Шу жиҳатдан тобора яқинлашиб келаётган Олий Мажлис

Умида ЎРИНОВА,
Наманган вилоят болалар ревматология санаторияси қошидаги бошлангич партия ташкилоти етакчиси:



— Бошлангич партия ташкилотлари сайлов кампанияси даврида партия гоя ва мақсадларини аҳолига етказишга кўмаклашиш орқали сайловчилар эътибори ва ишончини қозонади, партияга хайрихоҳ бўлишга ундайди. Парламент ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари бўлиб ўтадиган сайлов партия куйи ташкилотлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Сайлов натижалари кўп жиҳатдан бошлангич партия ташкилотларининг фаоллиги ва ташаббускорлигига ҳам боғлиқ. Шу боис сайловга пухта ҳозирлик қилиш, уни муносиб ўтказиш, хусусан, сайлов жараёнини тартибга солувчи тегишли қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалардан фўқароларни хабардор қилиш ҳамда уларнинг ижтимоий-сийсий фаоллигини ошириш муҳим саналади. Ана шу мақсадда куйи бўгин ҳамда

Ботир ҚУЛИЕВ,
Термиз туманидаги “Орол” маҳалла фўқаролар ййгини қошидаги бошлангич партия ташкилоти етакчиси:



— Мамлакатимиз сийсий ҳаётидаги муҳим палла — сайлов жараёнига бизнинг куйи бўгин ҳам пухта ҳозирлик қўрмоқда. Партия томонидан тақдим этилган тадбирлар режасидан ташқари бошлангич партия ташкилотимизда ҳафтанин ҳар жума куйи “партия куйи” деб белгиланган. Унга кўра, ташкилотимиз

Гавҳар ХОЖАНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Онкология диспансери қошидаги бошлангич партия ташкилоти етакчиси:



— Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистонда умумэтироф этилган халқаро принциплар ва ҳуқуқий нормаларга тўлиқ мос келадиган миллий сайлов қончилиги яратилди. Жорий йилги сайловда муносиб иштирок этиш мақсадида куйи ташкилотимиз томонидан бир қатор вазифалар белгилаб олинди. Ўтказилаётган

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, барча сийсий партиялар учун синов даври бўлган мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуришга қаратилган изчил ислохотларга хизмат қилувчи сайловга бошлангич партия ташкилотлари ҳам қизқин ҳозирлик қўрмоқда. Куйи бўгинлар — партия бош таянчи, деган номга мос равишда сайлов кампаниясини муваффақиятли ўтказиш, партиянинг сайловда муносиб иштирокини таъминлаш, сайловчилар сийсий маданиятини юксалтириш, партия гоя ва мақсадларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, тарафдорлар, хайрихоҳлар сафини кенгайтиришда ўз ички имкониятлари ва ваколатларидан унумли фойдаланишга интилишса, айни мудоаа бўлур эди.

Кўнунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов сийсий партияларнинг барча даражадаги ташкилотлари, жумладан, куйи бўгинлар зиммасига ҳам муайян вазифалар юклайди. Хўш, сайлов кампанияси даврида бошлангич партия ташкилотларининг иштироки қандай бўлиши керак? Бу жараёнда куйи бўгин етакчилари нималарга эътибор қаратиши лозим? Улар зиммасига қандай масъулият юкланади? Бу борадаги ишлар бошлангич партия ташкилотларида қандай ташкил этилмоқда? Мазкур саволларга жавоб топиш мақсадида партия Кенгашлари қошида ташкил этилган намунали куйи бўгинлар етакчиларининг фикрлари билан қизқидик.

Анжуман

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг соғлом ҳамда баркамол авлодини тарбиялашдаги ўрни ва мавқеини муостаҳкамлаш, жамиятнинг модернизация қилиш ва янгилаш жараёнидаги фаол иштирокисини таъминлаш, ижтимоий-сийсий фаоллигини оширишга кўмаклашиш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг асосий дастурий мақсад-вазифаларидан.

Зеро, хотин-қизларга эътибор келажакка эътибор демократидир. Партия ташкилотлари томонидан хотин-қизларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш, интилишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, партия кадрлари захирасини сийсий етук хотин-қизлар ҳисобига кенгайтириш борасида ташкил этилаётган турли лойиҳа, кўрик-танлов, фестиваль ҳамда тарғибот тадбирлари ана шу мақсад йўлида хизмат қилмоқда. Утган йиллар давомида кўп минг сонли партия аъзолари ва хайрихоҳларига эга ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгашида ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сийсий фаоллигини ошириш, сийсий жараёнда кенг жалб этиш, улар билан иш олиб боришда муайян тажриба тўпланди. Бу борада хотин-қизлар иштирокида мунтазам ўтказиб келинаётган “Донлик ва ташаббускорлик — сийсий етакчилик мезони”, “Юксак маънавиятли оила орқали — юксак тараққиёт сари”, “Оммавий маданиятнинг хотин-қизлар онгига салбий таъсири”, “Фаол аёллар — жамият таянчи”, “Энг яхши сайловди Платформаси” каби кўрик-танлов, ўқув-семинарлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЎзМТДП Жиззах вилоят ва шаҳар Кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан “Фаол аёллар — жамиятнинг таянчи” мавзусида ўтказилган анжуманда шу хусусида сўз борди. Тадбир иштирокчилари дастлаб вилоят ахборот-ресурс маркази, Ўлкашунослик музейи ҳамда партиянинг фаол аъзоларидан бўлган хунарманлар, расомлар асарларидан ташкил этилган кўргазма билан танишдилар.

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” етакчиси Барно Болтаева партия томонидан аёлларнинг жамиятдаги мавқеини муостаҳкамлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ҳуқуқ ва

Хотин-қизлар фаоллиги

турмушимиз фаровонлиги гарови



манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхтади.

Эътироф этилганидек, ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавияти, қадрияти ва анъаналарини шакллантириш ҳамда юксалтиришда оиланин ижтимоий-сийсий фаоллигини ошириш, сийсий жараёнда кенг жалб этиш, улар билан иш олиб боришда муайян тажриба тўпланди. Бу борада хотин-қизлар иштирокида мунтазам ўтказиб келинаётган “Донлик ва ташаббускорлик — сийсий етакчилик мезони”, “Юксак маънавиятли оила орқали — юксак тараққиёт сари”, “Оммавий маданиятнинг хотин-қизлар онгига салбий таъсири”, “Фаол аёллар — жамият таянчи”, “Энг яхши сайловди Платформаси” каби кўрик-танлов, ўқув-семинарлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЎзМТДП Жиззах вилоят ва шаҳар Кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан “Фаол аёллар — жамиятнинг таянчи” мавзусида ўтказилган анжуманда шу хусусида сўз борди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб вилоят ахборот-ресурс маркази, Ўлкашунослик музейи ҳамда партиянинг фаол аъзоларидан бўлган хунарманлар, расомлар асарларидан ташкил этилган кўргазма билан танишдилар.

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” етакчиси Барно Болтаева партия томонидан аёлларнинг жамиятдаги мавқеини муостаҳкамлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ҳуқуқ ва

муайян саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бу борадаги тарғибот ишларига ЎзМТДП Жиззах шаҳар Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашига партиядан сайланган депутатлар масъул қилиб бириктирилган. Сайловдаги муваффақиятли иштирокимизда хотин-қизлар салоҳияти, фаоллиги ва ташаббускорлигидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, парламентга кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг ўттиз фоизини хотин-қизлар ташкил этиши ҳам бежиз эмас.

Тадбирда бир гуруҳ хотин-қизлар партия аъзоллигига қабул қилинди. Фаол иштирокчилар партия вилоят Кенгашининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шафбат МУСАЕВА,
ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси:

— Бугунги кунда партия вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” аъзолари сони 5 минг 447 нафарни ташкил этмоқда. Утган беш йил давомида мазкур йирек бўгин томонидан олти юзга яқин тадбир ўтказилди. Унда қарийб 32 минг нафар юртдошимиз иштирок этди. “Мустаҳкам оила — жамият таянчи”, “Обод турмуш — сародат ва фаровонлик тимасоли”, “Мустаҳкам оила — ёруғ келажак гарови” шiori остида ўтказилган мақолалар танловида, “Энг яхши сайловди дастури” лойиҳасида 50 нафардан зиёд, “Спорт — саломатлик гарови”, “Нафосат олами” каби фестиваллар-

да 4 минг 500 нафардан зиёд хотин-қизлар қатнашди. Анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган “Донлик ва ташаббускорлик — сийсий етакчилик мезони” республика кўрик-танловида қарийб 300 нафардан зиёд хотин-қизлар фаол иштирок этди. Уларнинг 80 нафарга яқини вилоят босқичида, 6 нафари республика босқичида қатнашиб, бир нафар партия аъзоси кўрик-танловнинг республика босқичида голибликни қўлга киритди. Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, хотин-қизларнинг ижтимоий-сийсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда мавқеини муостаҳкамлаш каби ЎзМТДП Дастурида белгиланган устувор вазифалар партия вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” фаолиятида ҳам ўзига хос тарзда амалий ифодасини топмоқда. Бу эса сайловда ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти”нинг муносиб иштирокини таъминлаши шубҳасиз.

Назифа КАМОЛОВА,
ЎзМТДП фаоли, тадбир иштирокчиси:

— Истиклолнинг илк йилларидан хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамиятдаги ўрнини муостаҳкамлаш, истеъдод, билим, орзу-интилишларини рўйбга чиқариш, ташаббус ва интилишларини рағбатлантириш давлатимиз сийсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Таъкидлаш ўринлики, мазкур жараёнда ЎзМТДП томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар хотин-қизларнинг ижтимоий-иктисодий, маданий-маиший турмуш тарзини янада яхшилаш, аёлларнинг сийсий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Бугун айнан мана шу лойиҳалар сабаб ўз ҳаёт тарзини ўзгартира олган ишбилармон, фаол опа-сингилларимиз мамлакатимизда оила борилаётган кучли фўқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг бевосита иштирокчиларига айланишган. Зотан, аёли қадрланган юрда эзгулик, адолат, яхшилик ҳамиша қарор топади. Бугун фаровон, эртаси нурафшон бўлади.

Дилноза ҲАЙИТОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Мулоқот

Партия нашри

сайлов жараёнларини пухта ва изчил ёритишнинг асосий воситаси

ЎзМТДП Тошкент шаҳар, Олмазор туман Кенгашлари ҳамда «Milliy tiklanish» газетаси тахририяти ҳамкорлигида “Ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашда сийсий ва парламент журналистикасининг ўрни ва роли” мавзусида тадбир ташкил этилди.

— Мамлакатимизда демократик ислохотлар чуқурлашиб, партиялараро ракобат кучайиб бораётган бир пайтда ҳар бир сийсий партия ўз гоя ва мафқурасини аниқга қарашлар билан бойитиш, уни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, жамиятда мустаҳкам ўрин эгаллашга интилади, - деди тадбирда сўз олган ЎзМТДП Олмазор туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Мансур Юнусов. — Мазкур жараёнда партия имиджини кўтарадиган, ЎзМТДП гояси, дастурий мақсад-вазифалари, сайловди Платформасида белгиланган вазифалар, шунингдек, партия ҳамда халқ вакиллари бўлиш депутатларнинг амалий ишларини кенг жамоатчиликка етказадиган таъсирчан восита бу — унинг газетасидир. Шу жиҳатдан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг матбуот нашри бўлган «Milliy tiklanish» газетаси партиянинг устувор мақсад-вазифалари, жумладан, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, бойитиш ва кенг тарғиб этиш борасидаги фаолиятини атрофлича ёритишга интилоқда.

Эътироф этилганидек, «Milliy tiklanish» газетасида чоп этилаётган мақолаларнинг аксарияти партия ҳаётига оид. Унинг тўртта, айрим ҳолатларда бешта саҳифаси орқали партия ташкилотлари, Олий Мажлис Кўнунчилик палатасидаги фракцияси, вакилик органларидаги партия гуруҳлари, куйи ташкилотлар фаолияти, шунингдек, ЎзМТДПнинг йирек лойиҳалари, кўрик-танлов, тарғибот тадбирлари, электротимизни қизқиртирган бошқа мавзулар ёритилди. Газетанин қолган саҳифаларида ҳам партия дастурий гоя ва мақсадларига ҳамроҳанг мақолалар эълон қилинади. “Бизнинг шарҳ” ружки остида жаҳон мамлакатлари парламенти ҳамда сийсий партиялари фаолиятига доир мақолаларнинг бериб борилиши ўқувчилар қизқиши ва муштарийлар сонининг ортишига сабаб бўлаётир. Сайлов кампанияси эълон қилингандан сўнг «Milliy tiklanish» газетаси ҳамда унинг — www.milliytiklanish.uz веб-сайти орқали “Сай-

лов—2014”, “Электротимизбери”, “Ҳуқуқ ва бурч”, “Съезддан съездгача”, “Сарҳисоб”, “Интервью” ружкарли остида ЎзМТДПнинг сайловди тайёрғарлик ишлари, ҳисобот даврида партия сайловди Дастурида илгари сурилган мақсад-вазифалар, электротимиз манфаатларини таъминлаш борасида партиянинг барча даражадаги ташкилотлари ҳамда партия гуруҳлари томонидан амалга оширилган саъй-ҳаракатлар, ташаббуслар кенг ёритилмоқда.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда демократик ислохотларнинг самарали амалга оширилишида сийсий партия нашрлари ҳам алоҳида ўрин тутати. Жорий йилда парламент ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайлов партия ахборот хизмати ҳамда газета тахририяти ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бу борада партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари билан тахририят ўртасидаги ўзаро муносабатлар муҳим ўрин тутати. ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ахборот хизмати ва ҳудудий партия ташкилотлари девонларида фаолият кўрсатаётган жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишловчи масъул ходимлар партия ҳаётини ёритишда тахририят билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Зеро, бугунги жараёнлар оммавий ахборот воситалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, партия гояларини самарали тарғиб қилиш, партия дастурий мақсад ва вазифаларини кенг жамоатчиликка етказиш, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан унумли фойдаланишни талаб этади.

Тадбирда тахририят ходимлари томонидан сайловни изчил ёритиш жараёнида олиб борилаётган ишлар хусусида батафсил маълумот берилди, иштирокчилар ўзларини қизқиртирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Гулноза МУСТАФОЕВА,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби

Ҳуқуқ ва бурч

— Сайловди ташвиқоти тушунчаси ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз...

Мухаббат Ҳолиқуллова,
Наманган вилояти Чуст тумани

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 27-моддасига кўра, сайловди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга оширилаётган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сийсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият. У сайлов жараёнининг энг муҳим босқичларидан бири ҳисобланиб, депутатликка номзодларнинг сайловда ютиб чиқиш учун бутун куч-қуввати, билими ва қобилиятини сарфлаган ҳолда ўзаро соғлом сийсий ракобат руҳида электротимиз овози, қўллаб-қувватлаш учун кураш олиб боришларида намоён бўлади.

Сайловди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов куйи ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловди ташвиқотига йўл қўйилмайди. Мамлакатимизнинг сайлов қончилигида сайловди ташвиқотини олиб бориш тартиблари билан боғлиқ ҳуқуқий асослар муостаҳкамланган бўлиб, улар мазкур тадбирнинг қонунийлик, тенг шарт-шароит, адолатли, очик ва ошқора мезонлар асосида олиб борилишини тўла қароқтайди.

Сайловди ташвиқотини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади.

— Кўпинча матбуот орқали “сайлов маданияти” деган атамани учратамиз, унинг асосий белгилари нималарда намоён бўлади?

Элдор Назиров,
Тошкент шаҳри

— Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фўқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бориб, жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Барқарорлик ва тартиб, миллатлараро тотувлик ва фўқаролар аҳилигига тўғрйли давлатимиз тараққий этмоқда. Ватанимизнинг жадал ривожланиши ва ислохотларнинг муваффақияти негизини ҳалқимизнинг юксак ҳуқуқий онги ҳамда маданияти муҳимасам, десак асло муволафа бўлмайди. Чунки ҳар бир юртдошимизнинг сийсий фаоллиги, унинг чинакам фўқаролик муносабати, демократик ислохотларга интилувчанлиги белгиланган мақсадларга тезроқ эришишининг муҳим омилдир.

Қонунни ҳурмат қилиш жамиятнинг, сийсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқий ёки сайлов маданияти бири иккинчисини тўлдирувчи тушунчалар ҳисобланиб, ҳар иккаласи ҳам қонунларни ҳурмат қилиш ва унга риоя этиш демократидир. Шу сабабли ҳам маданиятлик белгилари расмий ва норасмий қонун-қоидаларни, урф-одатларни қадрлаш, уларга итоат этиш, риоя қилиш ва бу борада ўрнатилган қўрсатиш аломатлари билан намоён бўлади.

Сайлов маданияти, деганда сайловчиларнинг ўз сийсий ҳуқуқларидан оқилона фойдаланиб, сайловларда фаол иштирок этиши, шунингдек, уларнинг ҳамда сайлов ташкилотчиларининг сайловларни ўтказиш, унда қатнашиш ва овоз бериш чоғида амалдаги қонунларга, ўрнатилган тартибларга амал қилиши, сайлов қатнашчиларининг бир-бирларини ҳурмат қилиши тушунилади. Сайлов маданияти умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Саволларга ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал РАХМОНОВ жавоб берди.

Фракция ҳаёти



2015 йилги давлат бюджети лойиҳаси

кўриб чиқилди

Давлат бюджети маблағларини тўғри йўналтириш ҳамда ундан самарали, оқилона фойдаланиш ҳудудлар ва соҳалар ривожига, аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилади. Шундай экан, давлат бюджети маблағларини тармоқлар бўйича тўғри тақсимлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада мамлакатимизда амалга ошириляётган саноат-ҳаракатлар самараси аҳолининг даромадлари ҳамда харид имконияти ва талаблари ошириб, турмуш фаровонлиги юксалиб бораётганида намойён бўлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҲМТДП фракцияси йиғилишида "2015 йилги Бюджетнома — Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сисъатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги масала ҳамда 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури муҳокама қилинди.

2015 йилги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромад манбаларини иқтисодиётга солиқ юқини оширмасдан, харажатларни эса ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларидан келиб чиқиб ҳамда бугун жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар ва салбий тенденцияларни инобатга олган ҳолда шакллантирилган. Йиғилишда маъруза қилган Молия вазири ўринбосари М.Мирзаевнинг таъкидлашича, мамлакатимиз бош молиявий ҳужжати қўлғуси йилги солиқ-бюджет сисъатининг асосий йўналишлари, шунингдек, асосий макроиктисодий кўрсаткичлар бўлган янги ички маҳсулотнинг 8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,3, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6, капитал қўйилмалар ҳажми 9,6 фоизга ўсиши кўзда тутилмоқда. 2015 йил учун солиқ-бюджет сисъатининг асосий йўналишлари бўйича тақлиф этиляётган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида Давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан 20,6 фоизни, харажатлари эса 21,6 фоизни ва Бюджет тақчиллиги 1 фоизни ташкил этиши назарда тутилмоқда.

Келгуси йилга белгиланган солиқ-бюджет сисъатининг асосий йўналишлари барқарор иқтисодий ўсиш, ҳудудларнинг мувоzanатли ривожланиши, Давлат дастурлари, айниқса, ижтимоий соҳага оид дастурлар бажарилишини ҳамда халқнинг турмуш фаровонлигини янада оширишни таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Муҳокама чўғида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилган фракция аъзолари мазкур масалага партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишди.

Абдурашид Тўхтабоев, ҲМТДП фракцияси аъзоси:

— Солиқ сисъатида иқтисодиётни модернизация қилишни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида кўзда тутилган чора-тадбирлар партия дастурий мақсадларига уйғун бўлиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш ҳамда ички бозорларни ҳимоя

қилиш каби вазифаларга мос тушади. Яратилган бундай имкониятлар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга импорт ўрини босувчи, рақобатдош товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, истеъмол товарлари ва хизматлари соҳасида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" миллий бренди билан жаҳон бозорларига чиқиш, шунингдек, туризм ва оилавий тадбиркорликнинг ривожланишига қўшимча қулайликлар яратади.

Шу билан бирга, 2015 йил ресурсларини индексация қилинаётганлиги табиий ресурслардан янада унумли ва самарали фойдаланишга қаратилган бўлиб, партия дастуридаги бой табиий ресурслардан ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатлари йўлида оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадларига мувофиқ эканлигини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Олтиной Эсонова, ҲМТДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимиз бюджет сисъатида ижтимоий харажатларга асосий эътибор қаратиб келинади. 2015 йилги Бюджетномада ҳам келгуси йил ижтимоий соҳага жами харажатларнинг 59,2 фоизини йўналтириш кўзда тутилмоқда. Шу жумладан, фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантиришга ижтимоий соҳага ажратилган маблағларнинг 62,4 фоиздан ортиги кўзда тутилиб, биргина таълим соҳаси харажатлари ЯИМга нисбатан 7,3 фоизни ташкил этапти. Мазкур маблағлар ҳисобидан қатор умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари ўқув анжомлари, лаборатория жиҳозлари ҳамда замонавий спорт инвентарлари билан таъминланади. Бу эса инсон капиталига йўналтирилган инвестицияларнинг салоҳиятидан дарак бериб, мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган эътиборнинг беқиёс эканлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, "Давлат мактабгача таълим муассасаларини 2015-2020 йиллар мобайнида босқичма-босқич реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш Дастури"ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўзда тутилганлиги ҳам партияимизнинг устувор вазифаларига уйғундир.

Шу билан бирга давлат бюджетининг 14,2 фоиз маблағлари соғлиқни сақлаш тизимига ажратилмоқда. Бу жорий йилги харажатларга нисбатан қарий 20 фоизга кўп дегадир. Ушбу маблағлар аҳоли, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ри-

вожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашда муҳим омил бўлади.

Йиғилишда фракция аъзолари партия мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат бюджети ҳисобидан маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган харажатлар, бу борада жойларда олиб бориляётган ишлар ҳамда дуч келинаётган камчиликларга алоҳида тўхталиб ўтишди. Мазкур соҳага давлат бюджетидан йўналтирилган маблағлардан оқилона фойдаланиш, тарихий-маданий меросимизни кўз қорачиқидек асраш ва келгуси авлодларга бус-бутун холича етказиш ишлари эътиборни янада кўчатириш лозимлигини таъкидладилар. Шу нуктаи назардан 2015 йилги давлат бюджети лойиҳасида маданият муассасаларини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда спорт тадбирларини ўтказиш учун ажратилган харажатлар ҳажмининг жорий йилга нисбатан 1,24 баравар ошириш назарда тутилганлигини алоҳида эътироф этдилар.

Фракция аъзолари Бюджетнома келгуси йилда мамлакатимизни янада барқарор ривожлантиришни таъминлашга ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришдек устувор йўналишларни амалга оширишга етарли асос яратишини эътироф этган ҳолда, 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳасини ҳамда солиқ ва бюджет сисъатининг асосий йўналишларини маъқуладилар.

Йиғилиш кун тартибидеги иккинчи масала — 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бўйича Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг биринчи ўринбосари Б.Алимухамедов маъруза қилди. Таъкидланганидек, мазкур дастурнинг мақсади 2015 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс ва ўзаро боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш, бунда ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг иш ўринларини яратиш бўйича салоҳиятини ишга солиш, демографик ва меҳнат бозори омилларини ҳисобга олган ҳолда бандликнинг самарали шакллари ривожлантиришга ҳар томонлама қўмаклашишдан иборат.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш орқали фуқароларнинг жамиятда ўз нуноси ўринларини топишлари, меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Хар бир меҳнатга лаёқатли шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш масаласи бугунги кунда давлат сисъати даражасига кўтарилган. Туман ва шаҳарлар бўйича меҳнат бозори эътиҳини ҳисобга олган ҳолда, республика иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари, ҳудудларни ривожлантириш дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилган мазкур дастур доирасида келгуси йилда жами 987,5 мингдан ортқ иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Жумладан, йирек объектларини ишга тушириш, фаолият юри-

таётган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш орқали 261,6 мингта иш ўрни ташкил этиш, шундан 115,7 мингтаси — саноатда, 66,9 мингтаси — хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида, 48,8 мингтаси — қишлоқ ҳўжалигида яратилиши кўзда тутилган. Шунингдек, вақтинча фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклаш (соғломлаштириш) ҳисобига 30,2 минг, кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг жадал ривожланиши ҳисобига 290,4 минг, хусусий тадбиркорлик соҳасида 104,3 минг иш ўрни яратиш, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида 203,7 минг, деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш натижасида 127,5 минг кишини иш билан банд қилиш мўлжалланган. Бунда таълим муассасаларининг битирувчилари, аёллар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий қўмакка муҳтож бошқа тоифаларининг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Йиғилишда сўз олган фракция аъзолари 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ўз мазмун-моҳияти билан партиянинг дастурий мақсад-вазифалари билан ўзаро ҳамоҳанг эканлигини таъкидладилар. Бинобарин, дастурда белгиланган меҳнат бозорида банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшлар ва аёлларни ишга жойлаштириш йўли билан меҳнат бозорида фаол ва аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳудудлар ва тармоқларда янги иш ўринлари ташкил этиш ва илгари яратилган иш ўринларининг барқарор фаолиятини таъминлаш бўйича мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш, кичик бизнес, касаначилик, миллий ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликда иш билан таъминланишнинг самарали шакллари ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҲМТДП ғоя ва мақсадлари билан муштаракдир. Депутатлар ҲМТДП сайловли Платформасидан келиб чиққан ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиб, иш ўринларини яратиш юзасидан фикр, тақлиф ва тавсияларини билдиришди. Қизғин муҳокама, баҳс-мунозаралар ва савол-жавоблардан сўнг фракция аъзолари 2015 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини маъқулашди.

Йиғилиш якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ, ҲМТДП фракцияси аъзоси:

— 2015 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида таълим муассасалари, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, касбий тайёрлаш, ижтимоий бандликнинг самарали шакллари, жумладан, кичик бизнес, касаначилик, ҳунармандчилик, туризм, хизмат кўрсатиш ва сервис ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида 203,7 мингта иш ўрни яратилиши кўзда тутилганлиги ҲМТДП дастурий вазифаларига ҳамоҳанг тарзда ушбу соҳалар ривожига ҳам туртки бўлади. Айниқса, чекка ҳудудларда ҳунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида аёллар ва ёшларнинг иш билан бандлиги таъминланади. Шунингдек, дастурда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни янада қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг барча соҳаларида ёшларнинг ишга жойлашиши ва бандлиги масалаларининг ҳал этилиши, туризм ва сервис хизматлари кўрсатиш борасидаги вазифалар электоратимиз манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

22 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида 2015 йилги Бюджетнома — Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сисъатининг асосий йўналишлари лойиҳаси ҳамда 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тасдиқланди.

Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасида партия сайловли Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёндашиб, қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулашди.

ҲМТДП фракцияси аъзоларининг фикрича, ушбу қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, тадбиркорлик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кучайтириш учун қулайроқ шарт-шароит яратиб бериш ҳисобига мамлакатимизда бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, ишбилармонлик иқлимининг тубдан яхшилаш йўлида муҳим қадам бўлади.

Мухтарам КОМИЛОВА,
"Milliy tikanish" мухбири

Таҳлил

Партия гуруҳлари фаолиятидаги ташаббускорлик

вакиллик органларининг аҳоли билан алоқаларини янада мустаҳкамлайди

Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимиз, халқимизнинг урф-одат ва анъаналари, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсадларидан саналади. Шубҳасиз, бу йўналишда самарадорликка эришиш кўп жиҳатдан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатларнинг фаолиятига боғлиқ. Чунки улар бевосита халқ орасида бўлиб, партия ижтимоий қатлами ва аҳолини қандай масала ва муаммолар уйлантираётганини чуқур ҳис этишади.

Қонунчилигимизда ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини кучайтиришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилгани халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари зиммасидаги масъулиятни янада оширди. Партия сайловли Платформасида белгиланган устувор мақсад-вазифаларнинг амалга оширилиши, бу йўналишдаги ишларимиз самарадорлиги маҳаллий Кенгашларга ҲМТДПдан сайланган депутатларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигига боғлиқ. Шундай экан, улар биринчи галда маҳаллий Кенгашлар сессияларига партия мақсад-муддололаридан келиб чиқиб, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган масалаларни киритиши ҳамда уларнинг ижобий ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб бориляётган ишларни доимий таҳлил этиш, тегишли баҳо бериш, жойларда барча соҳаларга доир ислохотларни жадаллаштириш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган аниқ дастурлар ишлаб чиқиш бора депутатлардан ташаббускорлик ва доимий изланишни талаб этади.

ҲМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, партияларимиз соғлом рақобат муҳитини яратишда партия гуруҳлари ўрнини кучайтириш, маҳаллий Кенгашларга ҲМТДПдан сайланган депутатлар фаолиятини танқидий-таҳлилий ўрганиш ва муҳокама қилиш амалиёти йўлга қўйилган.

Маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг ўтган 9 ой давомидаги умумий фаолияти, амалга оширган ишларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу борада муайян кўрсаткичларга эришилганини кузатиш мумкин. Хусусан, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ҲМТДПдан сайланган депутатлар томонидан 1049 та депутатлик сўрови амалга оширилди. Партия гуруҳлари ташаббуси билан 256 нафар мансабдор шахснинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ҳисоботи тингланган. Партия электорати манфаатларига доир 229 та тақлиф доимий комиссиялар йиғилишларига олиб чиқилиб, муҳокама қилинди. Маҳаллий Кенгашлар сессияларига 82 та ташаббус-масала киритилиб, сессия қарори қабул қилинишига эришилганлиги депутатларимизнинг жойлардаги давлат ва жамият ҳаётидаги долзарб масалаларни ҳал қилиш жараёнида фаол иштирок этишига интиляётганидан дароландилар.

Ҳолбуки, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ҲМТДПдан сайланган депутатлар томонидан ўтган йилнинг шу даврида 752 та депутатлик сўрови амалга оширилиб, 145 нафар мансабдор шахснинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ҳисоботи тингланган эди. Шунингдек, доимий комиссиялар йиғилишларига 198 та тақлиф олиб чиқилган бўлса, маҳаллий Кенгашлар сессияларига 71 та масала киритилган. Демак, ўтган ва жорий йилнинг 9 ойи давомида ҲМТДП гуруҳлари томонидан амалга оширилган ишлар таққосланганда, улар фаолиятида ўсиш ҳолатини кузатиш мумкин. Жумладан, партия гуруҳлари томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган депутатлик сўрловларининг миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 297, депутатлик гуруҳларимиз ташаббуси билан ташкил этилган мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитиш 111, доимий комиссиялар йиғилишларига киритилган тақлифлар сони 31 тага ошган. Сессияларга олиб чиқилган ташаббус-масалалар сони эса 11 тага кўпайган.

Сессиялар кун тартибига олиб чиқилган ташаббус-масалалар вилоятлар кесимида таҳлил қилинса, бу борада Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Бухоро, Жиззах ва Навоий вилоят Кенгашларидеги партия гуруҳларимиз самарали фаолият юритаётгани намойён бўлади. Чунки, биринчидан, улар томонидан сессияларга олиб чиқилган ташаббус-масалалар сони бошқа ҳудудларга нисбатан юқори, иккинчидан, сессия қарорлари ижроси юзасидан назорат ишлари ҳам йўлга қўйилган.

Партия гуруҳлари ўз фаолиятини қанчалик кучайтирса, давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ва аҳоли ўртасидаги муносабатлар шунча мустаҳкамланади. Модомики, шундай экан, депутатларимизнинг электорат манфаатлари йўлидаги ташаббускорлигини, амалдаги қонулар ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросидаги иштирокини янада кенгайтириш талаб этилади. Қўрбошимиз таъкидлаганидек: "Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгиллаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислохотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилига айланмоғи зарур". Бунинг учун эса қонунларнинг жойлардаги ижроси ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан назорат механизмини янада такомиллаштириш, ижро ҳокимияти органлари, мутасадди ташкилотлар вакилларининг ишга муносабати, масъулиятини ошириш орқали электорат манфаатларини ҳимоя қилиш лозим бўлади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда кечаётган демократик ислохотлар сиёсий партиялар, уларнинг маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳлари учун янада кенг имкониятлар яратмоқда. Бу эса депутатлардан ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлиги йўлида ана шундай имконият ва ваколатлардан янада самаралироқ фойдаланишни талаб этади.

Бехозод СОДИҚОВ,
ҲМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси

Янги қонун лойиҳалари

муҳокама қилинди

дида корхона банкрот деб эътироф этилганда кредиторларнинг талабларини қондириш навбати тартибига ўзгартириш киритиш орқали бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги талаблар билан кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини мутаносиб равишда қондириш назарда тутилган.

Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳасининг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларини самарали қўллаб-қувватлаш сисъатини амалга оширишнинг муҳим бир омили сифатида партия сайловли Платформасида белгиланган вазифаларини рўйбга чиқаришга хизмат қилишини таъкидлаб, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда маъқулашди.

Фракция аъзолари навбатдаги масала — "Тадбиркорлик фаолиятини амалга

ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш муносабати билан ҲМТДП Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳаси тадбиркорликни ривожлантиришга, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган яна бир муҳим ҳужжат-

ҲМТДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ҳамда "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳалари муҳокама этилди.

Қонун лойиҳасида кредиторлар томонидан киритилган маблағларни қайтариш кафолатини кучайтириш мақса-

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Инсон азиз, инсон мукаррам

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 13-модда.

ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

Инсон — ҳаёт гултожи. Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий бу оламнинг яратилишидан мақсад, аввало, инсон эканини таъкидлайди:

Бу чаман ўлмоғида мавжуд анга, Бор эди инсон гули мақсуд анга.

Улуғ шоир борлиқдаги жамики нарсалар инсон учун дер экан, уни мақомига монанд барча мавжудотдан азиз ва мукаррам бўлишга ундайди. Зеро, чаманинг кўрки-таровати хушбўй ифор таратувчи гул бўлганидек, инсон ҳам яхши ва эзгу амаллари билан ҳаётни безаши керак.

Ҳа, ширин сўзи билан ҳар бир қалбни бўстонга, меҳнати билан чўлни гулистонга айлантиргувчи инсон буюк қадрият. Истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон қадр топди. "Ислохотлар ислохот учун эмас, аввало, инсон учун!" тамойили жамиятимизнинг барча соҳаларини модернизация қилиш ва янгилаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислохотларнинг бош ғояси, асосий мақсадига айланади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Мустақилликнинг олий мақсади — ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш" экани борасидаги фикри ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолатланган, халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларига, умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига асосланган демократик Конституциямиз бахтли ҳаётимизнинг асосий гарови бўлмоқда.

Чорак аср муқаддам мамлакатимизда пахта яккаёқимлигининг авж олиши оқибатида аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси пасайган, қашшоқлик, оналар ва болалар ўлими кучайган, экологик вазият ғоят зўриқётган, энг ёмони, ушбу муаммолар оқиб-оқиб кўриниб турса-да, ҳаётимиз, тақдиримиз, келажагимизга ҳеч ким эътибор бермас эди.

Болаимизни опичлаб, сахармардонлаб далага чиқиб кетардик, - деб эслайди бахмаллик Ҳалима Бердикулова. — Кунни билан ишлаб, хориб уйга келгач, рўзгор юмушларини бажаришга тутинардик. Эрта учун овқат тайёрлардик, кир ювардик. Ҳа, тандир қиздирганча яна тонг ёришарди. Базан этгимизни икки-уч кунлаб ечмай юришга тўғри келган пайтлар ҳам бўлган. Бундай оғир турмуш тарзи кўпгина аёлларнинг саломатлигига салбий таъсир этмай қолмаган: ҳомила тушиши, чақалоқлар ўлик ёки нимжон туғилиши кўпайган эди. Жигаргўшасидан жудо бўлган ота-оналар фарзандларига умид билан Ташкўл, Унсин, Турсунбой, Турсун-олий деб исм кўярди...

Мустабид тузум даврида мамлакатимизда минглаб, миллионлаб инсонлар маънавий ҳаётининг руҳий, маънавий азият чекади. Бу ҳақда ўйлар эканмииз, истиқлол туфайли ўз тақдиримизни ўзимиз белгилашдек буюк бахта эришганимиздан қувончга тўламиз. Мамлакатимизда олиб борилаётган инсон шаъни, қадр-қиммати улуғланган, инсонпарвар сиёсат айнан бизга, келажагимизга дахлдор эканидан гурурланамиз.

ТИНЧЛИКСИЗ ИНСОН ЮКСАЛМАС

Мамлакатимизда инсоннинг энг муқаддас ҳуқуқларидан бири бўлган тинч-осойишта яшаш ҳуқуқини кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, бу Президентимиз таъбири билан айтганда, давлат ва жамиятнинг демократлаштиришининг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам шу билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бир қатор қонунлар мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг, фуқаролар, турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги аҳиллик, ҳамжиҳатликнинг ҳамда халқимиз бахтли ҳаётининг муҳим омилли бўлиб хизмат қилмоқда.

Инсоннинг инсон сифатида эмин-эркин яшашига имкон яратадиган тинчлик ва тотувлик ўз-ўзидан келмайди, албатта. Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобида қайд этилишича, 1991 йилнинг 9 декабрида Наманган шаҳрида бир гуруҳ кўпо-

рувчи кучлар вилоят ижроия кўмитаси биносини эгаллаб олиб, Ўзбекистонни ислом давлатига айлантиришни даъво қилиб чиқишади ва республика раҳбари билан учрашув талаб қилишади. Ислом Каримов эртаси кун тонгда Наманганга етиб келади ва ақидапарастлик ғоялари билан онги захарланган, жазавага тушиб, қора кучга айланган жоҳил оломон орасига ҳамроҳларсиз, бир ўзи ҳеч бир иккиланмай шижоат ва шиддат билан кириб боради... Мамлакатимиз раҳбари уллар талаб қилаётган йўл қонунга мутлақо эид экани ва ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслигини вазминлик билан уқтиради, ўзининг салобати ва иродаси билан гувиллаб ётган оломоннинг шаштини сўндиришга, беҳуда қон тўкилишининг олдини олишга муваффақ бўлади.

Президентимиз томонидан ана шундай қатъият ва жасорат билан олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик барқарор. Бироқ ён-атрофимизга уйғоқ назар ташласак, дунёнинг турли давлатларида нотинчликлар сабаб одамлар жисман ва маънан эзилаётганига, инсон қадр-қиммати топталаётганига ғувоҳ бўламиз. Айрими мамлакатларда деярли ҳар кунни бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилаётди. Мактаблар, шифохоналар, маданият ва маърифат масканлари, йирик ишлаб чиқариш иншоотлари, аҳоли турар жойлари харабага айланмоқда. Бу мураккаб ва қалтис жараёнлар барчамизни ҳаммаша сезгир ва огоҳ яшашга чорлаши шубҳасиз.

ЯШАШ ҲУҚУҚИ ДАХЛСИЗДИР

Инсон ҳаёти ҳамма нарсадан азиз, муқаддас ва дахлсиздир. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи ҳисобланади. Манбаларда қайд этилишича, 1937-1953 йилларда амалга оширилган мудҳиш оммавий сиёсий қатагонлар туфайли Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатогонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланган. Инсоний қадрни топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида нафақат арбоб ва зиёлилар, балки юзлаб оддий одамларнинг ўз оиласидан жудо бўлгани, аёллар беваликка, гўдаклар етимликка маҳкум этилганини, минглаб миришкор деҳқонларнинг қулоқ сифатида олис ўлкаларга сургун қилинганини инобатга олсак, халқимиз бошига тушган бу фожианинг дахшати янада аққол намоён бўлади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсоннинг яшаш ҳуқуқи дахлсизлиги таъминланди. Конституциямизда ҳам бу алоҳида белгилаб қўйилди. Президентимиз фармонига мувофиқ, 2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинди ва умрбод озолиқдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, унинг қадр-қиммати, шарафи бебаҳо қадрият сифатида қўрилаётганининг эркин ифодасидир. Улар туфайли эртанги кунимизни, обод ва фаровон келажагимизни бунёд этмоқдамиз. Ўзбекистоннинг бу борадаги дадил қадамларини жаҳон жамоатчилиги ҳам улкан тарихий ҳодиса сифатида эътироф этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — БАХТЛИ ИНСОНЛАР МАМЛАКАТИ

2014 йил 4 июнда Gallup World институти Ўзбекистон жаҳоннинг 30 та энг бахтли мамлакатлари қаторидан ўрин олганини эълон қилди. Институт ўтказган тадқиқотларга биноан, мамлакатимиз аҳолисининг бахтиёрлик ва хушайфиятлик индекси (Positive Experience Index)га кўра жаҳоннинг 138 мамлакатлари орасида 29-ўринни эгаллаган.

Ҳа, Ўзбекистонимиз халқ фаровонлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари устувор бўлган очик демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш борасида кўпчилик учун ўрнатилган мамлакатга айланмоқда. Одамларимиз бугунга шукрона айтиб, эртасидан эзгу умидлар билан яшаётгани, юртимизда тинчлик ва осойишталик, ривожланиш барқарор экани амалга оширилаётган ислохотларнинг самараларидир.

Дилшод КАРИМОВ, ЎЗА шарҳловчиси



Жиззах вилояти Фориш туманидаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактаби илк ўқувчиларини ўз бағрига олди. Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори доирасида янгидан қурилиб, замонавий жиҳозланган мактаб 17 ўқув хонаси, муҳташам концерт зали, компьютер синфлари ҳамда ахборот-ресурс марказига эга. Бу ерда олтинчи нафардан ортиқ бола миллий чолғулар, анъанавий хонадалик, эстрада ижрочилиги, рақс, драма ва кино актёрлиги, ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик, ёғоч ўймакорлиги, зарфўзлик, компьютер графикаси каби йўналишлари бўйича сабоқ олмоқда.

ЎЗА фотомухбири Шерзод НАЗАРОВ олган суратлар



Мозийдан садо

Серкўёш диёримизда илм-фан жуда қадим замонлардан оқибатини эгаллаб олган. Она заманимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ҳаёти ва фаолияти, илм-фан йўлидаги кашфиётлари жаҳон аҳлини ҳамон ҳайратга солаётгани қалбимизда ҳечқисмат аждодларимиз даҳосига бўлган хурмат ва ҳавас бугун ҳам қачонгидан-да бақанд. Зеро, жаҳоннинг нуфузли музей ва кутубхоналари кўз қорачигидек асраб-авайлаётган ноёб китобларнинг сарғайган саҳифаларида мужассам ихтироу илмий назарияларни тадқиқ этиш бугунги кун ёшларини янгидан-янги кашфиётларга ундамоқда.

Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан истиқлол йилларида буюк аждодларимизнинг номили тикланди. Уларнинг ҳаёти ва бебаҳо меросини ўрганиш, қадимчиларини обод этиш ва асраб-авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Президентимиз таъкидлаганидек, жамият таракқиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди. Бунинг учун аввало ас-

Кат илмий мактаби

Урганчада Маъмур академияси ташкил этилишида муҳим омиллардан бири бўлган

рий анъаналар, тегишли шарт-шароит, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак. Ислом оламининг илм-фан маркази ҳисобланган Маъмур академияси билан бир даврда Қадимий Хоразм пойтахти Кат шаҳрида (Қорақалпоғистон Республикасининг ҳозирги Беруний шаҳри худуди) геодезия, астрономия ва математика соҳаларида юксак ютуқларга эришган илмий мактабнинг фаолият кўрсатганлиги аниқ фанларни ўрганиш борасида навбатдаги босқич бўлган.

Кат илмий маркази фаолияти фан оламида эришган жуда кўлаб ютуқлари билан ҳам аҳамиятлидир. Мазкур марказда 950-998 йиллар даврида Ал-Қаражий, Ал-Ҳамдакий, Назимиддин Маҳмуд, Шамсиддин Абу Бакр, Абу Исҳоқ ибн Абдуллоҳ Хунайн Яздий, Абу Наср Мансур ибн Ироқ, Абу Райхон Беруний каби олимлар сермаҳсул фаолият олиб бориб, унинг шукратини оламга ёйганлар.

Қадимий Хоразм тақвимини ислоҳ қилган Хусайн Қаражий ўзининг математикага доир икки таасари билан дунёга танилди. Унинг "Ҳисоб фанида етарли китоб" номи 70 бобдан иборат асари алгебра, арифметика ва геометрияга оид умумлаштирувчи таҳлиллар, математика фанининг муқаддимасини ўзида мужассам этган. Муаллифнинг "Ал-Фарҳийга бағишланган китоб" асари эса фанда Маҳаммад ибн Мусо Ал-Хоразмий алгебрасидан кейинги ўрнида турадиган китоб,

дея баҳоланган. Унда Ал-Қаражий Ал-Хоразмий алгебрасини ривожлантириб квадрат, куб, квадрат, куб, тўртинчи даражали илдизларни қўйиш ва айриши ҳолларини ишлаб чиққан. Илмий мактабда раҳнамолик ва раҳбарлик қилган Амир Мансур Абу Наср ибн Ироқ юнон олими Менелайнинг "Сферика" асари таржимасига шарҳ ёзади ва учта қисмдан иборат сферик тригонометрия асосларига оид асарлар тўпламини яратди. Шунингдек, унинг математикага оид 6 та, астрономияга доир эса 17 та асар ёзганлиги аниқланган.

Катлик математик Шайх Нажимиддин Маҳмуд бир қатор илмий изланишлар олиб бориш билан биргаликда Бағдод Маъмур академияси олимларидан бири, буюк математик, астроном Абул Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бўзжанийнинг "Хунармандлар геометрик ясашлардан нималарни билишлари кераклиги ҳақидаги китоб"нинг таржимасини устида ишлади. Унинг вафотидан сўнг ушбу таржимани Абу Исҳоқ ибн Абдуллоҳ Хунайн Яздий ниҳоясига етказди.

Бундан ташқари, Кат илмий мактабида Абул Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бўзжанийнинг бошқа асарлари ва юнон олими Птолемейнинг "Альмагест" асарини арабчадан таржима қилиниб, улларга шарҳлар ёзилган.

Мазкур илмий мактабнинг энг кенжа ва ёрқин намояндаси Абу Райхон Берунийдир. Унинг Кат

шаҳрида мустақил олиб борган астрономик тадқиқотлари ҳамда геодезик ўлчаш ишлари натижалари Бағдод Маъмур академияси олимларига яхши таниш бўлган. Абу Райхон Беруний бу даврда Марказий Осиёдаги ҳамда Ўрта ва Яқин Шарқнинг барча шаҳарлари геодезик координатларини аниқлаб фан тарихида илк бора триангуляция, яъни ер юзиде эгри чиқикли учбурчакларни ўлчаш учун таянч нуқталар координатларини аниқлаш асосларини яратган ва амалиётда қўлланган. У 995 йилда бундай ўлчашлар учун Кат шаҳрига қарама-қарши соҳилда, яъни Жайхуннинг сўл соҳилида жойлашган Бушқанзадаги таянч кузатиш жойидан фойдаланган. Шунингдек, 997 йилда Беруний Кат шаҳрида, Абду Вафо Бўзжаний эса Бағдодда туриб биргаликда оид тутилишини кузатганлар.

Кат илмий мактаби ўрта асрларда Шарқ илм-фани ривожига алоҳида ўрин тутган Хоразм Маъмур академиясини ташкил этиш учун асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилган, деб бемалол айтиш мумкин. Уни таъбир жоиз бўлса, авлодлар илм-фан анъаналари олтин занжирини навбатдаги олтин халққа менгзаш мумкин.

Комилжон АБДРИМОВ, Урганч давлат университети доценти, физика-математика фанлари номзоди, Алишер РАҲМОН, "Milliy tiklanish" муҳбири

Тадбир

Оммавий ахборот воситалари

ҳуқуқий ва иқтисодий асослари янада такомиллаштирилмоқда

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Президентимиз Ислом Каримов томонидан таъин этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да ахборот соҳасини ислоҳ этиш борасида белгилаб берилган устувор вазифалар, ОАВга қўшимча иқтисодий имтиёзлар яратилиш ҳамда миллий ахборот маконини изчил ривожлантириш масаласига бағишланган матбуот анжуманини ўтказди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари масъул ходимлари, соҳага оид олий ўқув юрлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация техноло-

гиялари масалалари кўмитаси ва ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шукрат Деҳқоновнинг маърузаси тингланди.

Нотик жамиятимизнинг барча жаҳвалари қатори оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳам изчил ривожлантириш, тизимда замонавий технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётган амалдаги қонунлар, қонун лойиҳалари ва уларнинг мазмун-моҳияти хусусида тўхталди.

— 2014 йилнинг 5 майида қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонун ахборот воситалари ҳамда давлат органлари ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш, журналистлар томонидан ахборот олиш, тўплаш ҳамда тарқатиш, фуқароларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ҳолис, тезкор ва ишончли

маълумот олиш имконини берди. Колаверса, мамлакатимиз парламенти кўйи палатаси томонидан "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "ОАВни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги янги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама этилаётди. Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши соҳага бозор иқтисодиёти механизмларини жорий этиш, рақобат муҳитини кучайтириш, ОАВнинг иқтисодий эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш, демократик принципларга асосланган ҳолда ОАВни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитларни яратишда муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Анжуманда соҳага жадаллик билан кириб келаётган рақамли, мобил ва интернет телевидение каби янги медиа-тузилмалар, уларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи қонун ҳужжатлари хусусида ҳам сўз борди. Ахборот соҳасини ислоҳ этиш ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид қонунларнинг ижро механизминини кучайтириш масалаларига оид қўшимча маърузалар тингланди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Зафар МУҲАММАД, "Milliy tiklanish" муҳбири

Таълим



Уял оқган сурат.

Чет тилларни ўрганиш

бугунги тезкор давр талаби

ЮНИСЕФ маълумотларига қараганда, уруш ва фавқулодда вазиятлар сабаб бузув дунёдаги салкам 30 миллион бола мактабда таълим-тарбия олиш имкониятидан маҳрум экан.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригида эътироф этилганидек: "...бугунги глобал интеграциялашув шароитида, кундалик ҳаётимизга компьютер технологиялари ва Интернет тизими жадал кириб келаятган бир пайтда хорижий тилларни ҳар томонлама пухта эгаллашдан турсин, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқадам бўлиб яшашни тасаввур этиб бўлмайди.

риждаги тенгдошлари билан фаол мулоқотга киришиш, дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан бевосита хабардор бўлиш, жаҳон тамаддунидаги улкан интеллектуал бойликни англаш ва ўзлаштиришни талаб қилмоқда.

Қадрият

Маҳалла

тадбиркорлик марказига айланиш

Азизбек Ҳомидов ўтган йил Бухоро вилоят Шифиркон туманидаги саноат ва миллий хунармандчилик коллежини битирди.

— Болалигимдан отамнинг ёнида туриб касб сирларини ўрганганман, - дейди у. — Коллежда ҳам шу йўналишда тахсил олдим.

жамиятини ривожлантириш Концепцияси" да маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш йўналишлари белгилаб берилган.

ролар йиғинида "Ҳожи гадоий" фермер хўжалигида 20 нафар, Райҳона Жабборова томонидан ташкил этилган "Райтекс" корхонасига эса 25 нафар коллеж битирувчиси ишга жойлашди.

солиқ имтиёзлари каби йўналишлардаги янгиликлардан бохабар бўлишмоқда. Бу эса тадбиркорлик субъектлари сонини оширмоқда.

Қонун ва ижро

Туманлар салоҳияти

очиқ мулоқотларда муҳокама қилинмоқда

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳудуддаги туман ҳокимларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан очиқ мулоқотларни ташкил этиш анъанавий тус олади.

Бугунги кунга қадар Миробод, Сергели, Мирзо Улуғбек, Олмазор туман ҳокимлари иштирокида ушбу ҳудудларнинг ишлаб чиқариш салоҳияти, инвестиция борасидаги имкониятлари, янги иш ўринларини яратиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш каби долзарб йўналишлардаги фаолияти хусусида кенг ва батафсил маълумотлар берилди.

да куз-қиш мавсуми ҳамда яқинлашаётган сайлов жараёнларини муносиб тарзда ўтказиш учун сайлов округи ва участкаларида кўрилаётган тайёргарлик, ободонлаштириш ишлари ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Маърифат фидойилари

Мураббийлик — улуғ мартаба

Ўзбекистон азал-азалдан илм-фан фидойилари, зиёлилар дёғри бўлиб келган. Бугунги дорилмон кўчаларда таълим-тарбия йўлида иборат бўлаётган устозлар юртимизда бисёр.



Сирдарё туманидаги "Ҳамзаобод" қишлоғи ёшлари шу ердаги 13-умумтаълим мактабида тахсил олишади. Мактаб жамоаси раҳбари Зулуҳмор Ҳолиқова таълим соҳасидаги фидойилиги учун 2006 йил "Дўстлик" ордени, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан узоқ йиллик самарали меҳнати эвазига "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланди.

фанидан дарс бериб келаман. Юртбошимизнинг ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган байрам табриги биз ўқитувчиларга катта куч бағишлади. Жумладан, "Мамлакатимиз, давлатимиз учун ҳал қилувчи мураккаб бир даврда сизлар билан бирга таълим соҳасини тубдан ўзгартириб, замон талаб қилаётган даражага кўтаришга эришганимизни кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, бу йўлда сиз, азизларнинг қандайдий қийин бўлмасин, қатъиятлик ва фидойилик кўрсатганингизни, бу буюқ мақсад учун белни маҳкам боғлаб меҳнат қилганингизни мен чинакам жасорат деб баҳолайман ва мана шундай олижаноб фазилатларингиз учун барча-барчангизга таъзим қиламан" деган сўзлари бизни янги марраларга ундайди.

3.Ҳолиқова раҳбарлигидаги 35 нафар ўқитувчилар жамоаси илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнида жорий этиш бўйича ўрнатилган ишларни амалга ошириб келишмоқда. Бундай чора-тадбирлар бугун ўз натижасини бераётди. 6 нафар ўқитувчининг иш фаолияти вилоят миқёсида оммалаштирилди. Мактаб ўқитувчилари бир неча йиллардан буён турли танловларда фаол катнашиб келади.

Нашр

"Нуқуқ ва бurch"

ижтимоий-ҳуқуқий журналининг янги сони нашрдан чиқди

Жорий йилнинг декабрь ойида мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбир - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенашларга сайлов бўлиб ўтади.



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси маъсул ходими Ҳасан Абдурахмоновнинг ушбу сондан ўрин олган "Сайлов — демократик сиёсий-ҳуқуқий қадрият" номли мақола-сида давлатчиликнинг асосий устуларидан бири бўлган демократик сайлов тизимининг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият тараққиётидаги ўрни, мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатлар сайлов тизимидаги ўзига хосликлар очиб берилган.

қаддам, яъни 1994 йилнинг 22 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари қабул қилинган эди. Утган йиллар мобайнида ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Салоҳиддин Элмуродов ўқитувчилар сулоласи вакили. Унинг отаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳамидқул Элмуродов 13-умумтаълим мактабининг дастлабки пойдеворини қўйган ва унга кўп йил раҳбарлик қилган маърифат фидойиси эди. Амакиси Уммулқул Элмуродов ҳам умрининг охирига қадар шу жамоага раҳбарлик қилди. Сулоланинг ёши улуғ вакиллари — Зайнаб ва Зуҳра Элмуродовлар эса бошланғич синф ўқувчиларига сабаб беришган. Бир-бирига ҳавас қилиб, устоз-шогирд бўлган Элмуродовлар сулоласидан 36 нафар ўқитувчи етишиб чиқди. Улар Сирдарё тумани вилоятидаги таълим масканларида ёшларга сабоқ бериб, ўқитувчилик касбини улуғлаб, ардоқлаб келмоқдалар.

Ўз муҳбиримиз

Ўлжабой ҚАРШИЕВ, журналист

● Бизнинг шарҳ

Сайлов — демократия кўзгуси

дунё давлатларида парламент сайлов тизимининг ўзига хос тартиб-қоидалари мавжуд



Бу борада Япония кўп йиллардан бундан шаклланди ўзига хос тажрибага эга. Мазкур мамлакатда парламент сайлови ҳар беш йилда ташкил этилса-да, сайловчилар ҳар йили рўйхатдан ўтказилади. Шунингдек, Кунчиқар юрт бугунги кунда сайловни ташкил этишда ахборот технологияларидан умумий тарзда фойдаланиб келмоқда.

Японияда сайлов куни маҳаллий фуқароларга почта орқали ёки ўзининг ишончли вакиллари ёрдамида овоз бериш ҳуқуқи берилган. 2001 йилда фақат муниципал сайловда Интернет тармоғи ёрдамида овоз бериш йўлга қўйилди. Кунчиқар юртда 20 ёшга тулган барча фуқаро ўзлари танлаган номзодларга овоз бериши қонун томонидан белгилаб қўйилган. Ақли нора-соллар, жазони ўташ муассасасида сақланаётган маҳбуслар, сайлов қонунчилигини бузгани учун озодликдан маҳрум қилинган, шартли жазога тортилганлар бундан мустасно.

Япония унитар давлат бўлиб, 47 та префектурага бўлинган. Парламент вакиллари палатасидан иборат. Вакиллар палатасига 25 ёшдан, маслаҳатчиларга эса 30 ёшдан сайланиш ҳуқуқи берилган. Фуқаро фақат битта округда ўз номзодини илгари суриши мумкин. 1995 йилда қабул қилинган "Сийёсий партияларга давлат субсидиясини бериш тўғрисида"ги қонунга кўра, субсидиянинг умумий миқдори ҳар бир фуқарога тақсимлаганда, 250 иендан ошмаслиги даркор. Бу биринчи

навбатда тегишли партиянинг сўнги сайловдаги кўрсаткичи ҳам боғлиқ.

Давлат ва маҳаллий ҳокимият, давлат хизматчилари, компания, корпорациялар, жисмоний ва юридик шахсларнинг сайлов кампаниясига маблағ ўтказиши қатъийан ман этилади. Аноним ҳолда, яъни ўз номини ошкор этмай моддий ёрдам кўрсатиш ҳам таъқиқланган. Бир одам йилига бир ярим миллион иен миқдоридан хайрия пули билан ўз хиссасини кўшишига рухсат берилади. Ҳар бир фуқаро сайловда ўз қўли билан номзоднинг исм-шарифини бюллетенга ёзиши шарт. Номзодлар маҳаллий кенгашга 500 минг, парламент сайловида эса 3 миллион иен гаров пулини тақдим этишади.

Мамлакатда сўнги марабоба ўтказилган парламент сайловида кўра, амалдаги ҳуқуқрон Либерал демократик партиянинг қўли баланд келди. Партия томонидан сайловда кампаниясида илгари сурилган ядро энергетикаси, қайта тикланувчи энергия манбааларини ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ислохотларни олиб бориш дастури маҳаллий сайловчиларни бефарқ қолдирмади ва бу уларнинг сайловдаги галабасини таъминлади.

Шимолий Американинг йирик давлатларидан бири, ер майдонининг катталиги жиҳатидан дунёда иккинчи ўринда турадиган Канада парламентини юқори палата - Сенат ва қуйи - Вакиллар палатасидан иборат. Мамлакатда сўнги умумий сайлов 2011 йилнинг 2 майида ўтказилган бўлса, навбатдаги сийёсий жараён 2015 йил октябрь ойининг учинчи душанбасида бўлиб ўтиши кутилмоқда. 2006 йилда қабул қилинган "Сайлов тўғрисида"ги қонунга би-

ноан сайлов ушбу санада ташкил этилади. Айрим ҳолатларда бош вазир талабига кўра, сайлов мuddатдан аввал ҳам ўтказилиши, ҳарбий ҳолат ёхуд мамлакатда тартибсизликлар юз бераётган пайтда сайлов мuddати кечиктирилиши мумкин.

Мамлакатда ҳозир парламентнинг 40-таркиби фаолият юритаётир. Сенатга 105 аъзо, қуйи палатага 308 нафар депутат сайланган бўлиб, мамлакатда бир босқичли сайлов тизими ишлаб чиқилган. Канадаликлар бош вазир ва сенаторларни сайлаш жараёнида бевосита иштирок эта олинмайди. Икки умумий сайлов оралиғида бўшаб қолган ўринларга қисман сайлов ўтказилади.

Вакиллар палатасига депутатлар сони округлардаги аҳоли сонига қараб тақсимланади. Мазкур мамлакатда ҳар 10 йилда аҳолини рўйхатга олиш қонунда кўрсатиб ўтилган. Айни пайтда 308 та округ мавжуд бўлиб, Онтарио, Британия Колумбияси ва Альберто вилоятлари аҳолиси зич бўлгани туфайли, бу минтақаларга кўпроқ ўрин берилган. Депутатлар иш фаолияти 5 йил эитиб белгиланган бўлиб, номзоди сийёсий партиялар томонидан илгари сурилади. Улар орасида мустақил номзодлар ҳам бор. Сайлов қонунчилиғига кўра, Вакиллар палатасидан ўрин олиш учун камида 50-100 кишининг имзоси қўйилган рўйхат тақдим этилиши шарт.

Канадада вилоят депутатлари, полиция, прокуратура, судларда ва сайлов комиссияларида фаолият юритаётганлар ҳам депутат бўла олмайдилар. Канада сайлов хизмати аъзолари нафақат ўз номзодини қўйиши, балки овоз беришлари ҳам мумкин эмас.

Мамлакатда сенаторлар сайланмайди, аксинча, улар генерал-губернатор томонидан тайинланади. Шу жиҳатдан 105 нафар аъзоси бўлган Сенатнинг ваколатлари 308 нафардан иборат қуйи палата депутатларига нисбатан бирмунча чекланган. Масалан, айрим ҳолларда Конституцияга ўзгартиришлар ҳам уларнинг иштирокисиз киритилиши мумкин.

Вакиллар палатаси эса катта ваколатга эга. Айнан улар бош вазир ва ҳукумат аъзоларини сайлайди. Сенат қуйи палатадан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб, ўрганади ва тасдиқлайди.

Жанубий Африка Республикасида ҳам икки палатали парламент фаолият олиб боради. Миллий Ассамблея - қуйи палата 400 нафар депутатдан иборат. Депутатлар 5 йилдан 10 йилгача, яъни икки мuddат ишлаши қонунда белгилаб қўйилган. Юқори палата - Миллий кенгашда мавжуд 9 та вилоятдан 10 тадан, жами 90 нафар депутат сайланади. Мамлакатда яшовчи 32 миллион аҳолининг 25 миллиондан ортиги сайловчи сифатида рўйхатга олинган. 2013 йилнинг декабрида янги тахрирдаги "Сайловлар тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, унга кўра, хорижда яшаётган ЖАРнинг 16 мингдан зиёд фуқароси ҳам рўйхатдан ўтказилиши белгиланган.

Жорий йил 7 майида ўтказилган навбатдаги парламент сайловида 45 та партиядан 8 минг 651 номзод кўрсатилди. Кутилганидек сайловда ҳукмрон Африка миллий конгресси энг кўп овоз тўплаган.

Италия 2008 йилда бошланган иқтисодий-молиявий инқироздан жиддий азият чеккан мамлакатлар сирасига кириди. Шундан бўлса керак, Апеннин ярим оролидаги ҳукумат тез-тез алмашаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ўтган йилнинг февраль ойида мuddатдан аввал парламент сайлови ўтказилди. Қонун чиқарувчи олий идоранинг депутатлар палатасига 630, сенатга 315 аъзо сайландилар.

2005 йил қабул қилинган қонунга кўра, 617 нафар депутат 26 та умумий округдан, 1 нафари бир мандатли Валле Де Аосто округидан, 12 нафари хориждаги 4 та сайлов округидаги италянлар орасидан сайланадиган бўлди. Коалиция рўйхатидагилар зарур бўлган 340 та ўринни қўлга кирита олмас, уларга мақсадга эришиш учун қўшимча ўринлар ажратилади. Қолган ўринлар белгиланган маррани забт этган партияларга қолади.


Палатанинг ҳар бир аъзоси парламент фракцияси сафида бўлиши шарт. Депутатлар биринчи йўғилиш ўтказилгандан кейин икки кун давомида палата Бош котибига қайси партияга мансублиги ҳақида ҳисобот беради. Парламентда тузиладиган фракция камида 20 нафар депутатдан иборат бўлиши шарт.

Азимжон ПҮЛАТОВ

Террорчиликка қарши янги жавоб

Канада ҳукумати террорчиликка қарши курашиш бўйича янги қонун лойиҳасини миллий парламентга кўриб чиқиш учун тақдим этди.


Мамлакат жамоат хавфсизлиги ва фуқаролик ҳимояси вазирининг маълум қилишича, мазкур ҳужжат террорчиликда гумон қилинган шахсларга нисбатан Канада хавфсизлик ва разведка хизмати ҳамда Федерал суд ваколатларини сезиларли кенгайтиради. Хабар қилинганидек, қонуннинг қабул қилиниши ҳукуматнинг ўтган ҳафтада террорчилик томонидан икки нафар канадалик ҳарбийнинг ўлдирилишига нисбатан жавоб ҳаракати бўлади. Амалдаги тартибга кўра, янги ҳужжат қонуний қўғқа кириши учун парламентнинг ҳар икки палатасида маъқулланиши керак.



Эбола ҳали тўхтамайди


Эбола вируси билан боғлиқ касаллик эпидемияси Фарбий Африкада яна олти ойдан бир йилгача давом этиши мумкин.

Бу ҳақда Гонконгга ўтказилган халқаро анжуманда маълум қилинган. Мутахассисларнинг айтишича, ҳозир касалликка қарши вакцина ишлаб чиқиш устида учта фармацевтика компанияси иш олиб бормоқда. Аммо дастлабки натижалар келаси йилнинг февраль ойида тайёр бўлади. Олимлар касалликнинг тарқалиш жуғрофиясига тўхталиб, Эбола вируси Хитойда пайдо бўлишидан хавотирда эканликларини таъкидлаган. Мазкур таҳмин ҳозир Африкада ишлаётган хитойликлар кўпчилигини ташкил этиши, Хитой шифохоналарида эса инфекциялар назорат белгиланган стандартларга жавоб бермаслиги асосланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати маълумотларига кўра, касалликка чалинганлар сони 10 минг 100 нафардан ошган, яна қарийб 5 минг киши вирус қурбонига айланган.



Парвоз режаси

Хитой "Chang'e-4" миссиясининг биринчи парвозини амалга оширишни режалаштирмоқда.



Мазкур миссия Сичуан ҳудудида жойлашган Сичан космосдромидан учурилади. Фазовий аппарат Ойнинг орқа томонидан учиб ўтиши ва 8 кундан сўнг Ерга қайтиши керак. Қўниш парашют ёрдамида амалга оширилади. Миссия давомида сунъий йўлдошга орбитал аппарат юборилиб, у қўниш модулини ой устига чиқаради. Ойга кўнган, модул махсус капсулага тош ва тупроқ намуналарини олади. Кейин қўниш модули Ойни тарк этиб, Ерга қайтиш учун орбитал аппаратга уланади.

Янги Сувайш канали

Миср ҳукумати яна бир Сувайш каналини барпо этиш учун олтинта компания билан шартномалар имзолаган.

Канал қурилиши мамлакат иқтисодийини тиклаш бўйича амалга оширилади-ган йирик лойиҳаларидан бири саналади. Сувайш канали Европа ва Осиё ўртасидаги энг қисқа денгиз йўналиши бўлиб, иккинчи кема йўлининг пайдо бўлиши сув транспорти ишини янада яхшилашга хизмат қилади. Сувайш канали маъмуриятининг фикрича, дублёр канални қуриш бўйича ишларни 2015 йилнинг август ойигача тугатиш режалаштирилган. Ҳозир мисрлик муҳандислар хорижлик мутахассислар ҳамкорлигида канал тубини чуқурлаштиришга оид ишларни давом эттиришга тайёрланмоқда.

Сувайш канали кемалар қатнови учун 1869 йилнинг 17 ноябрида очилган. Натижада, у Ҳинд ҳамда Атлантика океанини боғлаб турувчи Ўрта ер денгизидеги энг қисқа сув йўлига айланди. Каналнинг узунлиги 160 км., эни 350 метргача етади. Иккинчи канал Сувайш каналига параллел тарзда қурилади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

● Рангин дунё

Мексиканинг Канкун шаҳри дунёга фақат табиатининг гўзаллиги билангина танилмаган. Мазкур курорт-шаҳар соҳилларига туташ Кариб денгизи сувларида антиқа ҳайкаллар музейи мавжуд. Унинг антиқалиги шундаки, экспонатларнинг бари денгиз тубида жойлашган. Шу боис, музейни томоша қилиш учун сувга шўнғиш лозим бўлади. Акс ҳолда, мафтункор ва бетакрор табиат гўзалликларидан тўлиқ баҳраманд бўлиш амримаҳол.

Сув тубида музей очиш гоёси британиялик ҳайкалтарош ва рассом Жейсон Тэйлорга тегишлидир. Муаллиф тобора урфга кириб бораётган денгиз туризми, хусусан, дайвинг ишчи қўбозларининг ноҳўя хатти-ҳаракатлари натижасида сувости набототига жиддий зарар етаетганидан хавотирда эди. У сув остидаги ҳайкаллар ёрдамида муаммонинг ечимини топади. Тэйлор коралл ва бошқа денгиз жонзотларини музей экспонатлари ортига яшириш орқали "қўли узун" сайёҳлардан ҳимоя қилиш гоёсини илгари суради. Фоя шаҳар маъмурияти томонидан маъқулланган, ижодкор ишни дастлаб экспонатлар асасидан бошлайди.

Айни пайтда 400 дан зиёд экспонатни ўзида жамлаган музейга истаган киши ташриф буюриши мумкин. Сайёҳларга махсус тайёргарликка эга мутахассис ҳамроҳлик қилиб, сувга шўнғишдан олдин ҳар бир экспонат ҳақида қисқача маъ-

лумот беради. Музейнинг дастлабки бўлими "Унсиз эволюция" деб номланган ҳайкаллар жамланмаси билан бошланади. У бизгача яшаган қадим аждодлар ҳаётини ўзига хос тарзда кўрсатиб беради. Ҳар бир ҳайкал инсон бўйи баробарида бўлиб, уларда ўша давр муҳити, одамларнинг ўй-хаёллари, орзу ва кечинмалари турли қиёфалар воситасида ифодаланган. Мазкур ҳайкалларни ясаш учун усталарга 1,5 йил керак бўлди. Хомашё ўрнида 400 килограмм силликон, 120 тонна цемент ва 4 километр оптик толадан фойдаланилди. Ҳайкалтарошлик намуналарни оғирлиги икки тонна келадиган махсус платформаларга мустақамланган. Шунданми, улар ҳар қандай тўлқин ва босимга бемалол дош бера олади.

Тош асарлар 10 метр чуқурликда жойлашгани боис, томошабин ўзини сув тубига фарқ бўлган шаҳар қўчаларида кезиб юргандек ҳис қилади. Сай-

Денгиз тубидаги музей



ёҳларнинг эйтироғича, "Бог-бон қиз" композицияси музейнинг кўзга кўринган асарларидан бири. Ҳайкал гулларга сув қуяётган қиз қиёфасида ишланган. Қизиги шундаки, бог-бон киз суғораётган гулу чечакларнинг бари жонли. Улар денгизнинг ноёб ўсимлиги бўлмиш кораллардир. "Умид" номини олган экспонат эса ҳақиқий маънода одамларга умид бағишлаши билан ажралади. Мазкур ҳайкал умид билан ёзилган номасини умида идишга солиб сувга отган инсонлар сирини сақлаб

келади. Мазкур ҳайкал учун ўта вазимин ва бардошли эркак тими соли танланган. Музейда бир-бирини тўлдирувчи экспонатлар жуда кўп. Уларнинг бари яхлит композицияни ташкил қилади. Сўнги пайтларда сув остидеги ҳайкалларни ясашда мексикалик усталарга хорижлик ҳамкасблари ҳам яқиндан ёрдам беришмоқда. Шу боис, ҳайкаллар орасида турли миллат вакиллари мансуб инсонлар қиёфасини учратиш мумкин. Бу ердаги экспонатлар шунчаки тош асарлар

эмас. Уларнинг ҳар бири инсоният тарихи, бирор воқеа-ҳодиса ҳақида сўзлайди. Томошабинини мушоҳадага, эътиборли бўлишга чақиради. Мазкур ҳайкалларда ўзига хос инсоний ҳис-туйғулар ҳам юз қилинган. Қўлни қўлга бериб айлана ҳосил қилган, Яратганга илтижо ила узоқ-узоқларга термулиб турган, қулишиб ёхуд бир-бири билан аразлашиб қолган одамлар сиймоси ана шундай экспонатлардан ҳисобланади.

Қолаверса, музейнинг бошқа музейлардан фарқи ёхуд ус-

тун жиҳатлари бор. Бу ерга келган инсон жонсиз тош жисмларни томоша қилибгина қолмай, сув ости дунёси билан ҳам яқиндан танишиш имконига эга бўлади. Негаки, Кариб денгизи ноёб ўсимлик ва жонзотларга ниҳоятда бой. Унинг сувларида ёхуд бир-бири билан аразлашиб қолган одамлар сиймоси ана шундай экспонатлардан ҳисобланади.

эксаҳат қилиш имконияти ҳам мавжуд. Канкундаги сувости музейи ҳар йили 100 мингдан зиёд инсон ташриф буюради. Улар дунёдаги ўхшаши ноёб ўсимлик ва жонзотларга ниҳоятда бой. Унинг сувларида ёхуд бир-бири билан аразлашиб қолган одамлар сиймоси ана шундай экспонатлардан ҳисобланади. Демак, сув остидаги музейда нафақат маданий ҳордиқ чиқариш, балки

Зафар МУҲАММАД

Хурмо — қариш жараёнини секинлаштиради

Пишиб етилган хурмо витамин ва минерал моддаларга нисбатда бойдир. Унинг таркибидаги магний, йод, темир, А, В, С витаминлари инсон асаб тизимини мустаҳкамлабгина қолмай, организмнинг мезърда ишлашнинг таъминлайди.

Бир дона хурмо истеъмол қилинса, А витаминига бўлган кундалик эҳтиёжнинг 70 фоизи қондирилади. Юрак хасталиги бор беморлар хурмони ҳаммадан кўра кўп ейиши тавсия этилади. Боиси унда юрагимизга зарур калий элементининг мавжудлиги. Бундан ташқари, ушбу мева қон босимини тушириб, организмдан ортиқча сувни чиқариб юбориш хусусиятига эга. Темир элементи борлиги учун уни камқонликда истеъмол қилиш тавсия этилади. Мева таркибида 20 фоиз глюкоза мавжуд. Таркибидаги йод эса бўқоқ касаллигини даволашда беназир ҳисобланади. Хурмо меваси организмнинг шамоллаш ва инфекцияларга қарши курашишида ҳам ёрдам беради. Кучли антиоксидантлар сирасига кирувчи мева таркибидаги А витамини иммунитетни мустаҳкамлаш билан бирга, терининг соғлом кўринишини таъминлаб, организмда онкологик ўсмавларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймайди. 100 гр. мева таркибида 60 ккал. қувват мавжуд. Тўйимли озуқа бўлишига қарамай, одамни семиртириб юбормайди. Аксинча, озмоқчи бўлганлар уни кундалик таомнасига қўшишлари тавсия этилади. Мухими, хурмода мавжуд А витамини, бета-каротин, ликопин, лютеин ва антиоксидант кўринишидаги каритозинлар қарил жараёнини секинлаштиради. Бу меванинг пўстади ҳам фитохимиявий моддалар мавжуд бўлиб, инсон ҳужайраларини химоя қилишда бевосита катта аҳамиятга эгадир. Бироқ, хурмони тўғри ва мезърида истеъмол қилган маъқул. Қандли диабет, гастрит, ич қотиши, ошқозон-ичак касалликларидан азият чекувчилар учун унинг фойдасидан кўра зиёни кўпроқ.



БИЛАСИЗМИ?

Инсон бошидан кунига ўртача 40-60 тагача, умри давомида эса 1,5 миллиондан ортиқ соч тўласи тўкилади.

Одам ухламасдан ўн кечаю кундуз, овқатланмасдан эса 1 ҳафта яшаши мумкин.

ТУРФА ОЛАМ

Бозор эмас, фазовий кема

Роттердам (Голландия) шаҳрида анчадан буюн қурилиши кетаётган ажабтовур савдо мажмуи фойдаланишига топширилди.



Лойиҳа муаллифларининг айтишича, мева-чева ва сабзавотлар савдоси учун мўлжалланган усти ёпиқ бозор бир қарашда улкан фазовий кемага ўхшаб кетади. Бу ерда 228 та катта-кичик дўкон мавжуд. Бундан ташқари, мажмуада ошпазлик санъатини ўргатувчи марказлар фаолият юритиши кўзда тутилган. Мамлакат архитектура бюроси томонидан лойиҳалаштирилган ўта замонавий савдо маркази шаҳар ҳуснига хусн қўшибгина қолмай, сайёҳлар оқимининг кўпайишига ҳам ҳисса қўшиши кутилмоқда.

“Флешка” кўринишидаги компьютер

Сўнгги йилларда техника оламида кизикarli ва муҳими, фойдаланувчи учун қулай тўғриват мосламалар, масалан, ТВ-брелок ёхуд тизимини очиб имконини берувчи “калит” мосламалар кашф этилмоқда.

Яқинда улар қаторидан USB-тўплағич форматдаги гаджет ҳам ўрин олди. Мазкур гаджет Windows 8.1 ёрдамида бошқарилади. Мослама Intel Bay Trail “атом” платформаси асосида йиғилган бўлиб, ҳозирги кунда унинг икки тури мавжуд. Биринчиси тўрт ядроли Atom Z3735G процессори, 1 Гб ва 32 битли оператив хотирага эга бўлса, мосламанинг иккинчи тури Z3735F процессори ҳамда 2 Гб/64 битли оператив хотирани ўзида жамлаган. Бундан ташқари, мини компьютер яна иккита USB 2.0 порт, шунингдек, 16/32 Гб microSD флеш хотираси учун мўлжалланган махсус бўлмага эга. Қолаверса, унинг HDMI кириш жойи, Wi-Fi 802.11b/g/n ва Bluetooth 4.0 интерфейси ҳам бор.

Акмал НОРОВ тайёрлади

“Qoraqir Chorva Nasi” МҲЖ (ИНН: 302019123) Низом жамғармаси 102 110 000 сўмдан 28 685 918 сўмга қаматганини маълум қилади. Давоғарлар (+99899) 350-09-04 телефон рақамига мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент шаҳар М-14 25-ўй 81-хонадон эгаси Джуманиязова Дилфуза Салаевнага 15.10.2012 йилда берилган № 1/9166 рақамли олд-сотди шартномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Бюроғи — Г 1025, Адади — 6239. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда. **Набатчи муҳаррир:** Шоҳида ДАМАНОВА **Набатчи:** Шаҳзод ҒАҒФОРОВ **Сакцияловчи:** Акбар ШОДИЕВ **Электрон почта:** e-mail: mtiklanish@mail.ru Босишга топшириш вақти — 21.30. Топшириш — 22.50. ISSN 2010-7714

Маданият хабарлари

“Infolib-2014”

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида анъанавий “Infolib-2014” III миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги бошланди.

Ҳафталикнинг икки кунни давомида тақдиротлар, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар ҳамда маданиятимиз вакиллари билан турли ижодий учрашувлар, шунингдек, “Замонавий кутубхона менежменти ва маркетинги”, “Археология бугун: ёшлар учун янги имкониятлар”, “Янги тарих ёки у қандай бўлиши керак” мавзусида семинарлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Амалий санъат, фото ва китоб кўргазмалари, янги адабиётлар ярмаркаси ташкил қилинди. Турли мавзуларда маҳорат дарслари ўтказилди. Ҳафталик доирасида 2015 йил учун китоб ва журналларга буюртмалар қабул қилина бошланди.

Ёш ижодкорлар доимо эътиборда

Истиқлол йилларида ёш рассомларимиз, айниқса, талаба-ёшлар ижодиға алоҳида эътибор қаратилиши бесамар кетмади. Яратилган шарт-шароитлардан ёшларимизнинг унумли фойдаланаётганини тўғри хил кўргазмалар нисолида кўриш мумкин.

Пойтахтимиздаги Камолдин Бехзод мемориал боғ-музейида “Соғлом бола йили”га бағишланган “Мўъжаз санъатнинг сеҳрли олами” деб номланган бадиий кўргазма очилди. Кўргазмадан миниатюралар расомлар Баҳодир, Бехзод ва Шерзод Хожиметовларнинг 70 дан ортиқ асарлари ўрин олган. Улар орасида “Навоий шеърлати”, “Шарк бозори”, “Соҳибқирон Амир Темури”, “Камолдин Бехзод”, “Шарқона тўй”, “Киз узатиш” каби асарлар ўзининг нафис ва ёрқинранг чизгилари, композицион жозибаси билан ажралиб туради.

Шунингдек, Иқоу Хираяма халқаро маданият қарвонсаройида Миллий расомлик ва дизайн институти III босқич талабаси Хуснора Илҳомжонованинг “Илҳомланиш” деб номланган илк шахсий кўргазмаси ўтказилмоқда. Кўргазмадан ижодкорнинг “устоз-шоғирд” анъанасига хос тарзда тайёрлаган 20 дан ортиқ кулолчилик буюмлари жой олган. Уларнинг ҳар бирида халқимизга хос танглик, Ватан, ота-она, оилага бўлган садоқат ва эҳтиром аққол кўзга ташланади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Фольклор

“Бодом гуллари”

халқ ҳаваскорлик жамоасига айланди



Халқ оғзаки ижоди миллий қадриятларимизнинг таркибий қисми сифатида инсоният маънавияти ривожига катта ҳисса қўшган манбалардан. Халқ ижодиёти миллий дунёқарашни шакллантиришга, инсон руҳий оламиини бойитишга хизмат қилади.

Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида таъкидланганидек: “Ҳар қайси халқ ёки миллат маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”. Ҳақиқатан ҳам аجدодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган бундай катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилди.

Истиқлол тўғрисида халқ оғзаки ижодининг энг қадимий ва гўзал намуналарини чуқур ўрганиш, тўплаш ва тарғиб этиш учун кенг имкониятлар яратилди. Ўзининг қадимий ва бой миллий маданияти билан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган халқимиз томонидан яратилган номоддий маданий мерос дурдоналари бугун ҳам бевосита жонли оғзаки ижро, халқ мусиқа ва рақс санъати, майдон томошалари, урф-одат ва маросимлар, табиат ва коинот билан боғлиқ билмлар, анъанавий хунармандчилик каби йўналишларда ривожланишда давом этмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, худудлар-

да фаолият юритаётган фольклор-этнографик ансамблларнинг халқ маданиятини тарғиб этишдаги ўрни бекиёс. 1992 йилда халқ кўшиқларининг моҳир ижрочиси Гулжаҳон Хайитова бошчилигида ташкил этилган “Бодом гуллари” фольклор-этнографик ансамбли ана шундай жамоалардан бири. Сирдарё вилояти Сирдарё туман Маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошида фаолият кўрсатиб келаётган ушбу ансамбль юртимизда ўтказилган маданий-маърифий ҳамда оммавий байрам тадбирлари, кўрик-танлов ва фестивалларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ҳозирги кунда жамоада Сабоҳат Туръманова, Муҳаббат Эрматова, Нилуфар Туропова, Нарғиза Файзиёва, Малика Саримсоқова, Даврон Ақиллов каби истеъодли ижодкорлар лапар, ўлан, катта ашула, мақом каби йўналишда ижод қилиб келмоқда. Ансамбль репертуаридан “Санамо”, “Учиб бойрайми”, “Ушлаб туринг”, “Шайдинишайдо”, “Жоним ўзимга керак” каби халқ кўшиқлари, “Айлағач”, “Дугоҳ”, “Салламо”, “Тановар”, “Сувора” каби мақом кўшиқлари ўрин олган. Ўтган йиллар давомида ансамбль иштирокчилари Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубий маркази томонидан доимий равишда ўтказилган “Ўлан айтгани келди” анъанавий фольклор санъати байрами, катта ашула, лапар ва ўлан ижрочиларининг республика танлови, “Кўҳна замин оҳанглари” телевизион фестивалларида муваффақиятли қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади.

— Жамоамиз аъзолари доимий изланишда. Устозларим Таваккал Қодиров, Маҳмуджон Тожибоев, Саёҳат Маликовадан олган сабоқларимни шо-

гирдларимга ўргатиб боришга ҳаракат қиламан. Санъат инсоннинг умр йўлини ёритади, ҳаётга мазмун бахш этади. Санъатга ошурга инсонлар қалбида ҳеч қачон ёмон ният бўлмайди. Чунки куй-қўшиқ инсонларни бир-бирига яқинлаштиради, кўнглига хушнудлик улашади, ички дунёсини гўзаллаштиради. Санъатнинг кучи ҳам ана шунда бўлса керак, — дейди жамоа бадиий раҳбари Соҳида Умрзоқова.

2014 йилда “Бодом гуллари” бадиий ҳаваскорлик жамоасига ҳаваскорлик санъати ва номоддий маданий мерос дурдоналарини тарғиб этишдаги хизматлари, санъат воситаси орқали ёш авлодни тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси, шунингдек, республика миқёсидаги кўрик-танлов ва фестивалларда совринли ўринларни қўлга киритганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳайъат қарорига асосан “Халқ ҳаваскорлик жамоаси” унвони берилди.

— Бадиий ҳаваскорлик жамоалари худуднинг тарихи, маданияти, қадимий урф-одатлари, маросим ва қадриятлари, кишиларнинг кундалик турмуш тарзи, қувончи ва ташвишлари, орзу-ўйларини намоён этувчи кўзгудир, — дейди Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубий маркази директори Азамат Ҳайдаров. — Уларнинг фаолиятини янада яхшилаш, репертуарларига киритилган асарларнинг янгилиги, замонавийлигига эътибор қаратиш, ижро йўллари, сахна либослари, мусиқа асбобларининг худудга хослигини таъминлаш, соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб боришларига эришиш асосий вазифаларимиздан. Шу боис жорий йилнинг ноябрь ойида “Истиқлол даври фольклор санъатининг долзарб масалалари” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказиш режалаштирилган. Мазкур анжумани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам фольклор жамоалар репертуарларини миллий руҳда шакллантириш, фольклоршунос олимлар, соҳа мутахассисларининг бу борадаги тақлиф ва мулоҳазаларини ўрганиш, ёш авлоднинг халқ оғзаки ижоди намуналарига бўлган қизиқишини, уларнинг қалбига аждодлар меросига юксак эҳтиром туйғусини янада оширишдан иборат. Зеро, санъат инсоннинг эстетик дидини тарбияловчи, маънавиятини бойитувчи кучли восита эканини унутмаслигимиз лозим.

Назозат АҲМЕДОВА,
Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубий маркази етакчи мутахассиси

Хунармандчилик

Халқ амалий санъати ривож топмоқда

Ота-боболаримиздан бизгача мерос бўлиб келаётган урф-одат, анъана ва миллий қадриятларимиз бугунги кунда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмай келмоқда. Айниқса, истиқлол йилларида тарихий обида ва осори-атиқаларимиз ҳақиқий маънода қадр топди, миллий қадриятларимиз тикланди. Шулар қатори йўқолиб бораётган миллий хунармандчилигимизнинг кўпгина турлари ҳам қайта тикланиб, моҳир хунармандларимиз томонидан янгича сайқал бериб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, хунармандлари, мусаввирлари “Хунарманд” уюшмасининг Қашқадарё вилояти бошқармаси томонидан ҳам бу борада кўпгина самарали ишлар амалга оширилаётир. Айни пайтда уюшманинг Қарши шаҳри, Ғузор, Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи, Қамашчи, Қарши ва Муборак туманлари бўлимларида рўйхатдан ўтган 600 дан зиёд хунарманд фаолият олиб бораёти.

— Қўлигул усталаримиз миллий хунармандчилигимиз-

тайёрлаш имконига эга бўлишди. Ўтган 2013 йил давомида хунармандларимиз томонидан 15 минг дона миллий ўйинчоқлар ясалиб, жами 25 миллион 500 минг сўмга сотилди. Вилоятда “устоз-шоғирд” мактабининг сони 32 тага етганлиги, уларда жами 160 га яқин ўғил-қизларимиз халқ амалий санъати сирларини ўрганиб келаётганлиги хунармандчиликнинг кўпгина турлари ҳам қайта тикланиб, моҳир хунармандларимиз томонидан янгича сайқал бериб келинмоқда.

Бобомерос хунарни улуглаб келаётган моҳир заргар Янгибой Хушвақтов болаликдан заргарлик буюмлари ясашни отасидан мукамал ўргангани боис, фаолияти давомида ҳеч қийинчилик сезмайди. Янгибой акадай моҳир заргар вилоятда санокчи. Шунданми, унинг “устоз-шоғирд” мактабидан учирма бўлган шоғирдлари сони ўттиздан ошиб кетди. Халқ амалий санъати моҳир усталарининг эзгу ҳаракатлари тўғрисида миллий хунармандчилигимизнинг бу каби ноёб

турлари янада сайқал топиши, авлоддан авлодга ўтиб, бу бебаҳо қадриятлар халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланиши шубҳасиз.

— “Хунарманд” уюшмасида рўйхатга олинган хунарманд усталарнинг 359 нафари бевосита ЎзМТДП аъзолари саналади, — дейди партиянинг Қарши шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Суннат Омонов. — Уларнинг 210 нафарини эса хотин-қизлар ташкил этади. Хунармандларни қўллаб-қувватлаш борабаридан уларнинг меҳнатидан унумли фойдаланиш натижасида кейинги йилларда йўқолиб бораётган хунармандчилигимизнинг кўпгина турларини қайта тиклашга эришидик. Ҳар йили ўтказиб келинаётган “Хунармандлар оиласи” кўрик-танловы моҳир хунармандлар оиласини аниқлашда ёрдам бермоқда.

Шерзод ҚУРБОНОВ,
“Milliy tiklanish” муҳбири

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Суван НАҲБИДДИНОВ, Мухаммадҷон ҚУРОНОВ, Ғафурҷон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолдин САҒОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмаил ХУДОЕВОВ, Эркин ДУРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРДОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОВ
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент — 100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-ўй
Газета таҳририят компьютер марказида тарқилиб ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73. Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2 «ШАРҚ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-ўй